Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2009-yil 16-iyul, № 29-30 (654-655)

## ЖИДДИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Ҳ.Қодиров раислигида ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳайъат мажлисида прокуратура органларида прокурорлик фаолияти, тергов ишлари ҳамда жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги, мурожаатларнинг кўриб чиқилиши аҳволи, Сурхондарё вилоят прокуратурасининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини комплекс текшириш якунлари, ўрта-махсус таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш ҳамда академик лицей ва коллежлар битирувчиларининг бандлигини таъминлашга доир вазифалар муҳокама қилинди.

Прокуратура органлари томонидан ҳисоботларни тузиш, уларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, фуқаролар қабулини ташкил этиш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги билан бирга, мавжуд жиддий хато ва камчиликлар кескин танқид қилинди.

Бундай хатоларга йўл қўйган вилоятлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар ҳамда уларнинг ўринбосарлари тушунтириш бердилар.

Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари фаолиятини комплекс текшириш якунларини муҳокама қилишда вилоятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчиликка қарши курашишни ташкил қилиш борасида қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Комплекс текширишда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги ҳамда айбдор ходимлар интизомий жавобгарликка тортилганлиги қайд этилди.

Шунингдек, мажлисда ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масаласи кўриб чиқилиб, бу борада қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги таъкидланди.

Жумладан, республика бўйича 2007-2008 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган 7667 нафар ўқувчилар таълимнинг кейинги босқичига жалб қилинмаган, бандлиги таъминланмаган. 16820 нафар лицей ва коллеж битирувчилари ҳақиқатда ишга қабул қилинмаган ҳамда ҳисобот маълумотлари бузиб кўрсатилган.

Прокурорларнинг эътибори таълимнинг кейинги босқичига жалб қилинмаган ва иш билан таъминланмаган вояга етмаганлар қонунбузарлик ва жиноятларга қўл ураётганлигига қаратилиб, уларга бу йўналишда қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни янада кучайтириш бўйича аниқ вазифалар юклатилди.

Бундан ташқари, ҳайъатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган Фармон ва қарори ижросини текшириш бўйича Бош прокуратура томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланма маъқулланди.

Ҳайъат мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

**У.МАДРАХИМОВ,**
**Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармаси катта прокурори**

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

2009 йил 11 июль куни Бош прокуратурада республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда дастлабки тергов жараёнида жиноят ишларини бирлаштириш, ажратиш, ҳудудийлиги ва терговга тааллуқлилиги бўйича юбориш, шунингдек, тергов муддатларини ҳисоблашда қонун талабларига риоя қилиниши ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, тезкор-излов ва қидирув ишларини юритишда қонунийликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда жиноят ишларини бирлаштириш, ажратиш, улар бўйича тергов муддатларини ҳисоблаш, тергов қилиш, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинишини таъминлаш аҳволи таҳлил қилиниб, соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш хусусида кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлиги билан бир қаторда, бу йўналишдаги айрим камчиликлар таъкидлаб ўтилди.

Бунда асосий эътибор трансмиллий уюшган жиноий гуруҳлар томонидан республика ҳудудида наркотик воситалари контрабандасининг олдини олиш, мамлакат ичида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши самарали курашишни таъминлаш, гиёҳвандликка чалинган беморларга кафолатли тиббий ёрдам кўрсатиш лозимлигига қаратилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан прокуратура ва ички ишлар органларининг мазкур соҳалар учун масъул раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун тегишли органларга юборилди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокуратураси**
**Матбуот хизмати**

## Одам савдосига қарши курашиш: муаммо ва ечимлар

2009 йил 10 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида "Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашиш: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ушбу анжуман Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, "Истиқболли авлод" ёшлар ахборот-маърифий Маркази ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Унда Одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий Идоралараро комиссияларнинг масъул котиблари, республика хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари иштирок этдилар.

Илмий-амалий конференцияда мустақиллик йилларида республикада одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Жумладан, бу соҳада норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, одамларнинг нолегал трафигига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди ҳамда уларнинг норма ва стандартлари миллий қонунчиликка имплементация қилинди.

Хусусан, мамлакатимиз парламенти томонидан "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди, Республика Президентининг 2008 йил 8 июлдаги Қарори билан одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси таркиби тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига (Одам савдоси) тегишли ўзгартишлар киритилди.

Анжуманда шу нарса таъкидландики, бугунги кунда республикада барча манфаатдор вазирликлар ва идоралар мазкур иллатга қарши курашиш бўйича ягона стратегия асосида ишлаб чиқилган режа бўйича ҳамкорликда кенг кўламли иш олиб бормоқда. Унинг олдини олишга қаратилган ҳар томонлама комплекс чоралар кўрилмоқда.

Лекин, амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, ҳудудий комиссияларнинг фаолиятида манфаатдор идораларнинг ишини мувофиқлаштиришда айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, юзага келган муаммоларни ҳал этишнинг комплекс чоралари кўрилмаётганлиги таъкидланди.

Илмий-амалий конференцияда амалиётчи мутахассис ва олимларнинг турли мавзулардаги маърузалари тингланди. Шунингдек, одам савдоси муаммосига бағишланган янги адабиётларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова иштирок этди.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича**
**Республика Идоралараро комиссияси**

**Мустақиллик йиллари республикамиз учун чинакам юксалишлар даври бўлди. Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси ҳамда раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси сифатида барча соҳаларда юксак натижаларга эришилмоқда. Амалга оширилган ишлар салмоғи кундан кунга ортиб бормоқда. Тадбиркору ишбилармон юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатимиз иқтисодий қудрати тобора юксалмоқда. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги янгиланишлар, ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг самараси туфайли фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти шаклланиб, қонунларга мурожаат қилиш, англаш ва итоат этиш кўникмаси пайдо бўлаяпти. Хоразм вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Нодирбек БОЙТЕМИРОВ билан суҳбатимиз вилоятда қонунчилик аҳволи, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг бориши, пул-кредит соҳасида қонунчилик ижроси ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида бўлди.**

## ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИ

**— Нодирбек Нуъмонович, суҳбатимиз аввалида вилоятда қонунчилик аҳволи, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида гапириб берсангиз.**

— Хоразм вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш доимий назоратга олинган. Йилнинг ўтган даври мобайнида қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида режада белгиланган вазифалар асосида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу вилоятда ижтимоий-иқтисодий ҳамда криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Вилоят иқтисодиёт тармоқларида ўсиш суръатлари кузатилди.

Айниқса, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

**(Давоми 4-бетда).**

Шуҳрат АБЕРКУЛОВ,
**Наманган вилоят прокурорининг ўринбосари**

## ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Наманган вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Истиқлол шарофати билан вилоятда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқлари жадал суръатларда ривожланмоқда. Чунончи, шу йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,7 фоизга ўсди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, сифат даражаси яхшиланиб бормоқда.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоғи — қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар натижасида ер ўз эгаларини топмоқда. Вилоятимизнинг фермер хўжаликлари бу йил 79 минг гектар майдонда ғалла етиштиришди. 86 минг гектар майдонда ғўзаларни парвариш қилишмоқда. 7 мингдан зиёд фермер хўжаликлари дон ва пахта етиштириш билан бирга эл-юрт дастурхонига мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини тортиқ этишмоқда.

Шу йилнинг 2 июль куни вилоятга ташриф буюрган давлатимиз раҳбари Ислом Каримов наманганликларнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги бунёдкорлик ишларини юқори баҳолади. Хусусан, ерга эгалик ҳуқуқини қўлга киритгач, ундан унумли фойдаланишга интилиб, ғалла, пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил етиштираётган фермер хўжаликлари раҳбарларининг ютуқ ва муаммолари хусусида суҳбатлашиб, янада самаралироқ ишлашлари учун зарур тавсияларини берди. Қишлоқларда маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга эътиборни қаратди. Фермер хўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилни қайта ишлаб бозорга тайёр маҳсулот етказиб беришса, бир неча баробар кўпроқ даромад олишади. Бу нафақат ички бозор эҳтиёжини қондириш, балки четга экспорт қилиш салоҳиятини ҳам оширади.

Вилоят фаоллари билан мулоқотда Президентимиз "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастурининг эзгу мақсади-қишлоқ аҳли турмуш даражасини юксалтиришдан иборатлигини алоҳида уқтирди. Вилоят иқтисодиётидаги ютуқлар билан бирга муаммолар, камчилик ва нуқсонларни кўрсатиб ўтди.

**(Давоми 6-бетда).**

*Одамни жиноят кўчасига нима етаклайди, деган савол инсоният жамияти шакллана бошлагандан буён мавжуд. Бу ҳақда минглаб рисолалар битилган, тадқиқот ишлари олиб борилган. Касб тақозоси туфайли прокуратура ходимлари деярли ҳар кун бундай масалаларга қайта-қайта мурожаат этишади. Одамни жиноят кўчасига бошлайдиган асосий сабаб - бу унинг нафси эканлигига кўп марта иқрор бўламиз. Улуғ аждодларимиз — олиму фузалолар бундан кўп йиллар аввал битган рисолаларида ҳам инсон психологияси, унинг ички дунёси, руҳияти ҳақида фикр юритишар экан, энг аввало, нафс қуллигидан қутила олган кишигина мукаммаллик касб этади, ҳаётда нотўғри қадамдан ўзини асрайди, дея таълим беришган.*

# *ҚИНҒИР ИШ КЕЛТИРАР ТАШВИШ*

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач юртимизда тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл очилди. Шаҳар ва қишлоқларда минглаб хусусий корхоналар ишлаб турибди. Уларнинг фаолиятини қонунийлаштириш мақсадида ўнлаб ҳужжатлар тайёрланди ва қабул қилинди. Яъни, ҳалол меҳнат билан, давлатимиздаги мавжуд қонунларга таяниб, уларга риоя этган ҳолда иш юритаётган тадбиркорлар учун фаолият доираси тобора кенгаймоқда. Лекин юқорида айтганимиздек, нафс балосидан қутула олмаётган баъзи кишилар яратилган имкониятлардан тўла фойдаланиш, иш ҳажмини янада кенгайтириш хусусида ўйлаш ўрнига, қинғир йўлларга қадам босишмоқда.

Яқинда Зарафшон шаҳар судида ана шундай тадбиркорлардан бирининг иши кўриб чиқилди. Фазолат Шодиева якка тартибдаги тадбиркор сифатида шаҳар Давлат солиқ инспекциясидан 2006 йил февраль, 2007 йил апрель, 2008 йил июнь ойларида солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган. Лекин узоқ муддат давомида ўз даромадларини солиқдан яшириш ва солиқларни қасддан тўламаслик мақсадида у бир неча марта солиқ инспекциясига фаолиятини вақтинча тўхтатиш ҳақида аризалар бериб, унинг ходимларини чалғитиш ҳаракатида бўлган. Аммо Ф.Шодиеванинг банкдаги ҳисоб рақамида бу даврларда мунтазам равишда пул маблағлари ҳаракати амалга оширилиб келинган. Ана шундай чалғитишлар ҳисобига у 2006 йилда бюджетга 146230 сўмлик қатъий солиқ ва нафақа жамғармасига 10800 сўмлик мажбурий ажратма, 2007 йилда бюджетга 690919 сўмлик қатъий солиқ ва нафақа жамғармасига 142054 сўмлик мажбурий ажратма, 2008 йилда эса 1.638.370 сўмлик қатъий солиқ ва 204.515 сўмлик нафақа жамғармасини тўламаган. Натижада ана шундай хатти-ҳаракатлар туфайли давлат бюджетига 2.832.823. сўмлик солиқ ва мажбурий тўловлар тушмаган.

Фазолат Шодиева ўзининг қилмишлари сабабли давлат томонидан белгиланган кўп миқдордаги солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, жиноят содир қилган. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам топилади, дейишади.

Давлат томонидан белгиланган солиқларни тўламаслик учун ҳар хил йўлларни ўйлаб топаётган баъзи тадбиркорлар буни унутишмаса яхши бўларди. Чунки ойма-ой оз миқдорда солиқ ва ажратмаларни тўлаб бориш қаерда-ю, суд залида номи жиноятчи сифатида тилга олиниб, бўйнига қўйилган миллионлаб сўм миқдордаги жарималарни бирдан қоплаш қаерда?

Ана шундай нафс балоси айрим одамларни давлат ўзларига ишониб топширган моддий бойликларни талон-тарож қилишга ҳам етаклаётир. Маълумки, давлатимиз доимо ёш авлод тарбиясига, ўқиш-ўқитиш жараёнини моддий жиҳатдан мунтазам равишда таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор бериб келади. Шу мақсадда республика бюджетидан миллиардлаб маблағ ажратилади. Лекин баъзи кишиларни масаланинг бу жиҳати асло қизиқтирмайди. Уларнинг нафси кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйган. Зарафшон шаҳридаги 10-ўрта мактабнинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари ва кассири вазифасида ишлаб келган Рустам Авазов ана шундай одамлар тоифасидан чиқиб қолди.

У ушбу таълим даргоҳида моддий жавобгар шахс бўлатуриб, ғаразли мақсадларда хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан 1.077.062 сўмлик бюджет маблағларини ўз эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборган. Натижада Р.Авазов жиноий жавобгарликка тортилди. Навоий вилоят молия бошқармаси назорат-тафтиш бўлими мутахассислари томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар ва прокуратура тергови давомида унинг жинояти тўлиқ исботини топди. Суд уни Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисмининг "г" бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айблаб, қилмишига яраша жазолади. Рустам Авазов томонидан етказилган моддий зарар давлат ҳисобига тўлиқ ундирилди.

Албатта, ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаслиги муқаррар. Нафс балосига учраётган кишилар бундай хатти-ҳаракатлари билан нафақат ўзларини, балки атрофидаги яқинларининг юзини ерга қаратишаётганини, оила аъзоларига ҳам катта иқтисодий зарар етказилаётганлигини англаб етишармикан? Зеро, юқорида айтилганидек, қинғир ишнинг қийиғи бир куни келиб барибир чиқиши аниқ-ку...

**Худойберди НОРҚОБИЛОВ,**
**Зарафшон шаҳар прокурори**

# УЛКАН ТАҲДИД СЎНДИРИЛДИ

Хоразм вилоят ички ишлар бошқармаси ва миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ходимлари ўтказган тезкор тадбир натижасида Қорамон-Кўшкўпир йўлининг 12-километрида Кўшкўпир тумани Оқдарбанд қишлоғида яшовчи Султон К. (исмлар ўзгартирилган) бошқарувидаги "Нексия" русумли автомашина тўхтатилиб текширилганда, унинг орқа ўриндиғи тагидан 18 кг героин гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди. Олиб борилган тезкор-суриштирув тадбирларида Султоннинг шериги Шуҳрат М. бошқарувидаги "Нексия" русумли автоуловнинг ҳам орқа ўриндиғи тагидан 28 кг 788 грамм героин моддаси топилиб, жами 46 кг 788 грамм гиёҳвандлик моддаси далилий ашё сифатида олинди.

Ҳуқуқ-тартибот органларининг саъй-ҳаракатлари туфайли қўлга туширилган 46 килограмм 788 грамм героиннинг умумий қиймати "қора бозор"да 700 миллион сўмни ташкил этиши ҳисобга олинса, моддий томондан нафақат республика иқтисодиётига келтириладиган зарарнинг, балки келажак авлоднинг ҳаётига солинадиган улкан таҳдиднинг олди олингани аён бўлади.

Сир эмаски, гиёҳвандлик балоси таъсирида одам турли хил жиноятларни содир этади. Гиёҳванд одам инсонлар соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади ва жамиятнинг иқтисодий ҳамда маънавий-маданий негизига салбий таъсир кўрсатади.

Қўшма тезкор тадбир натижасида Гурлан тумани Бирлашган қишлоғи ҳудудида ҳам катта миқдордаги гиёҳвандлик моддаси сотаётган жиноий гуруҳ ушланди. Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидан Хуршид Ж. ва Дамир С., Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидан Олимбой Т. ва Гурлан туманидан Нодир А. ўзаро жиноий тил бириктириб, 2 кг 82 грамм героинни 30 минг АҚШ долларига пуллаганда қўлга олинди.

Урганч темир йўл вокзалида Тошкент-Урганч йўналиши бўйича поездан тушган фуқаро Карим И.нинг қўлидаги қора рангли спорт сумкаси холислар иштирокида кўздан кечирилди. Муқаддам ҳуқуқ-тартибот органида тезкор ходим лавозимида ишлаган Каримнинг сумкасида 960 грамм героин гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди.

Афсуски сўнгги пайтда героинфурушлар жиноий ишларга хотин-қизлар ва ногирон кишиларни ҳам жалб қилмоқдалар. Ҳазорасп тумани "Бешта" қишлоғида яшовчи, иккинчи гуруҳ ногирони Салима Р. ва Урганч шаҳрилик Нигора О. ўзаро жиноий тил бириктириб, гиёҳвандлик моддасини олиб-сотиш билан шуғулланганлар. Холислар иштирокида уларнинг уйлари тинтув қилинганда жами 1 килограмм 700 граммдан кўпроқ героин, 2400 АҚШ доллари, 40000 Россия Федерацияси рубллари, республикамизга ноқонуний келтирилган жами 23 миллион 48 минг сўмлик тилла тақинчоқлар ашёвий далил сифатида олинди. Жиноятчиларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланаётганлар жиноий ҳаракатларини амалга оширишда турли ёшдаги йигит-қизлардан ҳам кенг фойдаланаяптилар. Масалан, "Урганч" халқаро аэропортида "Урганч-Москва" йўналиши бўйича учаётган фуқаро Садриддин А. га тегишли бўлган юклар текширилганда, 232 дона "Рачки" конфети қоғозларига ўралган 1 кг 227 грамм героин топилди. Тергов-суриштирув жараёнида Садриддин Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи Рустам А. билан героинни 1500 АҚШ доллари эвазига Москва шаҳрига олиб боришга келишганлиги аниқланди. Зудлик билан Рустамнинг "Нексия" автомашинаси текшириб кўрилганида конфет қоғозига ўралган 5,6 грамм гиёҳвандлик моддаси топилди.

**Қўзибой ЖАББОРОВ,**
**Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**
**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,**
**журналист**

# ЖАҲЛ КЕЛГАНДА...

2008 йилнинг 11 декабрь куни касб-ҳунар коллежининг фаоллар залида тўсатдан бошланган ур-тўполон барчанинг эътиборини тортди.

"Шу куни соат учларда танишим Сабина Галазитдиновани кўриш учун коллежга борган эдим. Сабина мени иккинчи қаватдаги фаоллар залига таклиф қилди. У ерга кириб, олдинги қатордаги ўриндиқлардан бирига ўтирдим. Ён томонимга қараб, Охунжон деган танишимни кўриб қолдим. У менга ёмон қараб турарди. "Ҳа, танимадингми? Нега бунақа қарайсан?" дедим.

Охунжон менга эътибор қилмай, ўртоқлари билан суҳбатлашишда давом этди. Шунда мен "у мен ҳақимда гапираяпти", деб ўйладим. Жаҳлим чиқди. Уларнинг олдига бориб, Охунжоннинг юзига тепдим. У йиқилди. Ўрнидан туришига қўймай, яна бир неча марта тепдим..." деб кўргазма берди судда жабрланувчи Маъруф Мирзаев.

Охунжон амаллаб ўрнидан тургач, курткасини ечди. Сўнг шимининг чўнтагидан пичоқ чиқариб, рақибининг қорнига санчиб олди. Воқеанинг бундай тус олишини кутмаган Маъруф қорнини чанғаллаб йиқилди. Охунжон бўлса унинг қонга беланиб ётганига парво ҳам қилмади. Пичоқни ташлаб, четроққа бориб ўтирди. Бу орада коллеж ўқитувчилари етиб келишди. Тез ёрдам чақиришди...

Судланувчининг ота-онаси томонидан жабрланувчининг даволаниши учун кетган сарф-харажатлар тўланди. Шунингдек, Маъруф Охунжонга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, судда кўрсатма берди. Улар ўзаро ярашдилар.

Халқимизда "жаҳл келганда ақл кетар" деган нақл бор. Дарҳақиқат, жаҳлга эрк бериб, биргина ножўя хатти-ҳаракат оқибатида бировнинг ҳаётини хавф остида қолдириш ҳеч гап эмас. Вобкентлик Охунжон Ачилов ҳам жаҳлини жиловлай олмаганлиги боис суднинг қора курсисига ўтиришига тўғри келди.

Унга нисбатан суд бир йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлаб, унинг вояга етмаганлиги боис, тайинланган жазони шартли деб ҳисоблаб, бир йил синов муддати белгилади.

**Умид НУРУЛЛАЕВ,**
**Вобкент туман прокуратураси терговчиси.**
**Лолахон МАНСУРОВА,**
**журналист**

**Қизириқ туманининг "Истара" маҳалласида яшовчи Улуғбек Жўраев 2006 йил сентябридан келгуси йилнинг июлигача "Хайробод пахта" ОТҲЖ раиси лавозимида ишлаб келди. Инсонни амал бериб ҳам синаш мумкин деган гап бекорга айтилмаганини Улуғбек ана шу ўтган даврда исботлаб берди. У раҳбарлик вазифасига киришиши биланоқ шахсий манфаат кўриш йўлларини излай бошлади.**

# ЖИНОЯТГА ЯРАША ЖАЗО

Шу мақсадда ўша вақтда "Хайробод пахта" ОТҲЖга қарашли "Наврўз" пахта қабул қилиш маскани мудири бўлмиш С.Магатов ҳамда шу масканнинг 2-ҳудуд товаршуноси Ғ.Каримовни ҳузурига чорлади.

Улар шу куни нима ҳақда гаплашдилар, қандай қарорга келдилар, бу фақат ўзларигагина аён. Нима бўлганда ҳам 2006 йил мавсуми давомида "Наврўз" масканига пахта топширувчи фермер хўжаликларидан 2342,2 тонна пахта қабул қилинган бўлсада, хуфёна режага асосан, "Маҳманов", "Берди Бобоназаров", "Ҳайдар бобо" ҳамда тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган бошқа фермер хўжаликлари томонидан 141,7 млн. сўмлик 420,9 тонна пахта хом ашёси топширилганлиги ва маскан томонидан қабул қилинганлиги тўғрисида сохта маълумотлар тайёрланди. Шунингдек, юк хатлари ва квитанцияларга ҳам ўзгартишлар киритиб, жами 2763,1 тонна пахта қабул қилинганлиги тўғрисида ҳужжат тайёрлашди.

Содир этилган жиноятни яшириш мақсадида эса қабул қилинган пахта хом ашёсини қайта ишлашда қиймати 68,9 млн. сўмлик 233,6 тонна хом ашё меъёрга нисбатан ортиқча сарфланганлиги, 88,1 млн. сўмлик 77,1 тонна тола, 11,6 млн. сўмлик 304, 3 тонна чигит ва бошқа маҳсулотларнинг кам, 12,4 млн. сўмлик 390,3 тонна калта момиқ кўп ишлаб чиқарилганлиги тўғрисидаги сохта маълумотларни топшириқномаларга киритишди.

Бу қалбаки ҳужжатлар ўз навбатида "Сурхонпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасига тақдим қилинди. Бунинг оқибатида эса қўшиб ёзилган 420,9 тонна пахта учун юқорида қайд этилган фермер хўжаликларига давлат бюджети томонидан ажратилган тўловлар амалга оширилди. Натижада давлат хазинасига ҳамда "Хайробод пахта" ОТҲЖ манфаатларига кўплаб моддий зарар етказилди.

"Хайробод пахта" ОТҲЖга қарашли пахта қабул қилиш масканида 2-ҳудуд товаршуноси вазифасида ишлаган Суннатилла Рўзиев олғирликда Улуғбек Жўраевдан қолишмаслигини амалда кўрсатди. У маскан мудири Абдураҳмат Шерқобилов ва лаборатория мудири Рустам Зияев билан келишиб, ширкат ва фермер хўжаликлари томонидан олиб келинган пахта Ўзбекистон Республикаси стандартлаш, назорат-текшириш, метрология ва сертификатлаш марказининг 1994 йил 17 майдаги "Пахта маҳсулоти ва тола-канаф маҳсулотлари сифати тўғрисида"ги Йўриқномасида кўрсатилган меъёрдан юқори намлик ва ифлосликда бўлса-да, хом ашёни меъёр бўйича деб сохта маълумотларни лаборатория хулосаларига киритиб қўйди. Натижада уларни қайта ишлашда белгиланган меъёрдан 24,1 млн. сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди.

С.Рўзиев бундан ташқари, тергов даврида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳайдовчилар билан келишиб, улар орқали 4,2 млн. сўмлик 51,7 тонна чигитни номаълум шахсларга сотиб юборади.

Давлат ва жамият манфаатларидан кўра шахсий чўнтагини кўпроқ ўйлайдиган шахслар жиноий хатти-ҳаракатларини эл кўзидан қандай бўлмасин яшириш пайида бўладилар. Бироқ пахта тозалаш саноати корхонасига ин қуриб олган кимсаларнинг қилмишлари фош этилди. Жиноятга қўл урган борки, қонунда белгиланган жавобгарликдан қочиб қутулолмайди.

**С.ҲАСАНОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокуратураси катта терговчиси.**
**С.НОМОЗОВ,**
**вилоят прокуратураси терговчиси**

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАРБИЯСИ

## ва унда прокуратура ходимларининг масъулияти

Мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятли, маънавий баркамол, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказиш масаласига долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ болаликни муҳофаза қилиш тўғрисида қатор қонунлар, норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Болалар манфаатини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга киришилди.

Ўзбекистон 1992 йил 9 декабрда БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция"га қўшилди. 2008 йил 7 январда Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниб, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати бола ҳуқуқларининг асосий кафолати қилиб белгиланди. Болаликни ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ҳимоя қилиш, боланинг камситилишига йўл қўймаслик, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналиши ҳисобланади. Ёш авлодга бўлган ғамхўрликнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистонда 2008 йил 4 апрелда "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги, шу йилнинг 8 апрелида эса "Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"ги Женева конвенцияларини ратификация қилиш тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Юқоридаги конвенциялар талабларидан келиб чиққан ҳолда бу борада Миллий ҳаракат режаси тасдиқланиб, болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир чора-тадбирлар белгиланди.

2008 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, уларни жойлаштиришда қонун талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим, даволаш ва бошқа муассасаларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқароларга ота-оналари қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этиш мажбурияти юклатилди.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, профилактика қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бирига айланган.

2008 йил Президентимиз ташаббуси билан "Ёшлар йили" деб эълон қилинди ва шу муносабат билан "Ёшлар йили Давлат дастури" қабул қилиниб, унда иқтисодиёт тармоқларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш лозимлиги белгилаб берилди. Республика Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ 2008 йилда Қарши шаҳрида яшайдиган 688 та ёш оилага 3.575,5 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Ипотека кредити асосида 64 та ёш оила учун 32 хонадонли 2 та кўп қаватли уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. 80 та ёш оилага ер участкалари ажратилди. Шунингдек, яна бошқа кўплаб ёш оилаларга ҳам турли кўринишда ёрдам кўрсатилди.

Ёш тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари ва бандлик жамғармаси ҳисобидан 8 млрд. 200 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилган, 703 та янги иш ўринлари ташкил қилинган.




Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақилликка қадар собиқ Иттифоқ даврида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ишлари туман ижроия қўмитаси раиси ўринбосарлари зиммасига юклатилган бўлиб, бу борадаги ишлар қониқарсиз даражада ташкил қилинганди. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш иккинчи даражали иш деб ҳисобланарди.

2000 йил 21 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Қарори қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси этиб тасдиқланди. Вилоят, шаҳар ва туманларда эса бу вазифа ҳокимлар зиммасига юклатилди.

Комиссиялар фаолияти изчил амалга оширилишини таъминлаш мақсадида уларнинг таркибида маҳаллий бюджет ҳисобидан алоҳида масъул котиб вазифалари жорий этилди. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг қаровсиз ва назоратсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш бўйича вилоятлар ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг масъулияти оширилди.

2004 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи чиқди. Унда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири эканлиги қайд этилиб, прокуратура органлари ходимларига бу соҳада катта масъулият юклатилган.

Қарши шаҳар прокуратураси томонидан мазкур буйруқ ижроси юзасидан 2009 йилнинг ўтган 6 ойи давомида 30 та текшириш ўтказилиб, натижаси бўйича 37 та протест ва 40 та тақдимнома киритилди. 51 нафар шахсга нисбатан интизомий, 78 нафар шахсга маъмурий жазо қўлланилди, 14 та жиноят иши қўзғатилди. Асосий эътибор вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш орқали вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш, нотинч оилалар, тарбияси оғир бўлган ёшларни аниқлаб, улар билан тарбиявий иш олиб боришга қаратилди. Шу билан бир қаторда бу ишга масъул бўлган давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия ва инспекциялар фаолиятининг самарадорлиги ҳамда масъулиятини ошириш, вояга етмаганларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ҳуқуқий саводхонлигини, маънавий ва маърифий ишлар кўламини янада оширишга ҳам жиддий эътибор қаратилаяпти.

Олиб борилган тадбирлар самараси ўлароқ 2009 йилнинг ўтган 6 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 14 тадан 9 тага камайишига эришилди. Шундан ҳам кўринадики, шаҳарда вояга етмаганлар билан ишлаш қониқарли аҳволда ва улар тарбияси бизнинг асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолаверади.

**Алишер АСАМОВ,**
**Қарши шаҳар прокурори**

# КЕЛАЖАК ВОРИСЛАРИ ҲИМОЯМИЗДА

***Фарзандлар бизнинг ворисларимиз. Уларни тарбиялаш, ўқитиш, саломатлигини тиклаш умумий ишимиз бўлиши керак. Шаҳрихон туман прокурори Мўйдинжон ИМИНОВ билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.***

— Қадимдан бола тарбияси ниҳол парваришига қиёсланади. Меҳр билан парваришланган ниҳол пайти келиб сархил мевалар беради, лозим даражада тарбия кўрган бола ҳам комилликка етгач, эл корига ярайди. Туман прокуратураси вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ИИБ, туман халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" жамғармаси ва яна кўплаб идоралар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳамкорликда ўндан ортиқ тадбирлар ўтказилиб, кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногиронлар васийлик ва ҳомийликка олиндилар. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳида ҳисобда турган тарбияси оғир ўсмирлар ўртасида "Ёшлар-келажагимиз пойдевори" шиори остида байрам тадбири ўтказилиб, спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, кураш турлари бўйича мусобақалар, "Ранглар жилоси", рақс ва қўшиқлар танлови ўтказилиб, ғолибларга совғалар топширилди.

Дарҳақиқат, ўсмир қачон жиноят кўчасига киради? Эътиборсиз қолганда. Бугун кўча чангитиб бекор юрган ўспирин эртага кўча безори бўлиб чиқмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Шу боис уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни инобатта олган ҳолда туман прокуратураси томонидан тумандаги мактабдан ташқари таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва "Мактабдан ташқари таълим муассасалари тўғрисида"ги Низом ижроси юзасидан прокурор назорати ўрнатилган. Туманда жами 7 та мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатиб, шундан 4 таси ижодиёт ва техник марказлар бўлиб, уларга умумтаълим мактабларининг 1842 нафар ўқувчилари жалб этилган.

Туман прокуратурасининг ташаббуси билан "Бешариқ" болалар оромгоҳида вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун "Болаларга беринг дунёни" мавзусида 500 нафардан зиёд вояга етмаганлар иштирокида ижодий ишлар ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада умумтаълим мактаблар, техник ижодиёт марказлари иш кўргазмалари ва кўргазмали чиқишлари билан қатнашди. Ижодий ишлар ярмаркаси якунига кўра, 60 нафар ўқувчи қўшимча равишда тўгаракларга жалб этилди.

Прокуратурамиз томонидан ўтказилаётган текширишларда асосий эътибор вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг таъминланиши, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари ижтимоий ҳимояга олинганлиги, таълим муассасаларида давлат мулкининг сақланиши ва бюджет маблағларининг сарфланиши каби масалаларга қаратилмоқда. Хусусан, тумандаги 15-махсус ёрдамчи мактаб-интернатида текшириш ўтказилганда озиқ-овқат бўйича омборчи М.Алимов болалар ҳақига хиёнат қилганлиги аниқланди. Инсофни унутган омборчи болалар учун берилган томат, макарон, туз, манная крупа, картошка, сариёғ, гўшт, пиёз, шолғом ва гуруч каби маҳсулотлардан жами 958958 сўмлигини ўзлаштириб, талон-тарож қилган.

Гўдаклар ҳақига хиёнат қилганлардан яна бири Ҳ.Асқаровдир. У 2005 йилдан бошлаб Шаҳрихон маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида эл-юрт хизматини қилиб, обрў орттирди. Лекин уни ҳам нафс балоси йўлдан урди. Раис 2008 йилнинг март ойида котибаси С.Мамасолиева ва Шаҳрихон туман "Халқ банки" кассири Ш.Солиевалар билан келишиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолини ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларини қўпол равишда бузади. Улар 16 ва 2 ёшгача боласи бўлган оналарга ҳамда кам таъминланган оилаларга тўланадиган нафақа пулларини эгаларига бермасдан ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишади. Шунингдек, оиласининг ойлик даромади белгиланган меъёрдан ортиқ бўлган оилаларнинг фарзандларига нафақа тайинланиши натижасида жами 728.395 сўм миқдорда моддий зарар етказганлари етмаганидек, ижтимоий нафақаларни берилиши бўйича тузилган тўлов хабарномасидаги нафақа пулларини олганликлари ҳақидаги имзоларни қалбакилаштирганлар. Қилмишқидирмиш, деганларидек, нафсига эрк берганлар қонун олдида жавоб бердилар.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан туман маданият ва спорт ишлари бўлимида ўтказилган текширишда айрим қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, 2009 йил учун умумлаштирилган иш режаси ва тадбирлар режаси тузилмаган ва ҳужжатлар тартибсиз ҳолда сақланган. "Ашула" ва "Аккордион" тўгаракларида машғулотлар пала-партиш ўтказилган. "Найнаво", "Ҳақиқат", "Абдубий", "Назармаҳрам", "Чўжа" ва "Гулистон" қишлоқ маданият уйларида ҳам бундай ҳолатларни учратиш мумкин.

Туман маданият ва спорт ишлари бўлимида мулкнинг сақланиши ва ажратилган бюджет маблағларининг сарфланишида ҳам қатор қонунбузилишларга йўл қўйилган. Бўлим собиқ хўжалик ишлари мудири Н.Эргашев зиммасидаги 2 турдаги 36 минг 441 сўмлик мулкларда камомад борлиги аниқланди.

Шаҳрихон шаҳар маданият уйи мансабдор шахслари эса ўзларига ишониб топширилган 15 турдаги, умумий қиймати 9 млн. 283 минг сўмлик асосий воситаларни талон-тарож қилганлар. Текшириш натижаларига кўра тегишли прокурорлик чоралари қўлланилди ва Шаҳрихон шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. 17 нафар ишчилардан 287456 сўм ўтилмаган машғулотлар учун ҳисобланган иш ҳақи ундирилди.

**М.ОРТИҚОВА суҳбатлашди.**




## Саҳифамизда Хоразм вилоят прокуратураси органлари




# ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Республика Бош прокуратураси ҳамда Марказий банкнинг "Пул муомаласини такомиллаштириш, нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни қондириш борасидаги қонунчилик ижросини таъминлаш тўғрисида"ги қўшма кўрсатмаси ижроси юзасидан қатъий прокурорлик назорати ўрнатилди. Ўтган олти ой давомида тегишли ташкилотлар томонидан 181 та хўжалик юритувчи субъектларга қарашли савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчаларида қисқа муддатли текширишлар ўтказилганида, уларнинг барчасида камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 136 та хўжалик юритувчи субъектларга 830,8 млн. сўм молиявий, 123 нафар шахсга нисбатан 7711 минг сўм миқдорида маъмурий жарималар қўлланилиб, 21 нафар шахсга нисбатан тўпланган ҳужжатлар чора кўриш учун судларга юборилди. Жиддий қонунбузарлик ҳолатлари бўйича 22 та жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, нақд пул тушуми бўйича 4620 та объектда хронометражлар ўтказилиб, тадбирлардан бир кун олдинги тушумга нисбатан 1592,1 млн. сўм тушумларни банк кассаларига туширилиши таъминланди ҳамда шаҳар-туман пул-кредит комиссияларига режа топшириқларни қайта кўриб чиқиш, нақд пул тушуми режаси белгиланган хўжалик юритувчи субъектларда солиқ ва банк идоралари ходимларидан иборат гуруҳларни доимий хронометраж ва мониторинглар ўтказишини таъминлаш ҳақида тақдимномалар киритилди.

Урганч шаҳридаги "Арши Малала" хусусий корхонасида ўтказилган текширишда корхона раҳбари Р. Юлдашев жорий йилнинг 30 март кунидан 20 майига қадар 361,4 млн. сўмлик сифат сертификатига эга бўлмаган товар моддий бойликларни Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори талабларига зид равишда улгуржи тартибда сотганлиги ҳамда 234 млн. сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб, НКМдан ўтказмасдан ва банкка топширмасдан савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузганлиги аниқланди. Ҳуқуқбузарга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш ҳақида жойларга 59 та тақдимнома киритилиб, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик хусусида 355 нафар мансабдор шахс ёзма равишда огоҳлантирилди. 146 нафар шахсга нисбатан интизомий ва 17 нафарига нисбатан маъмурий жавобгарликка доир ҳамда қўпол қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 4 та жиноят ишлари қўзғатилди.

**— Жорий йил муҳтарам Президентимиз томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинди. Шу асосда давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. Вилоятда қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси қандай бажарилмоқда?**

— Албатта, аҳолисининг катта қисми қишлоқларда истиқомат қиладиган республикамиз учун қишлоқни ривожлантириш, фаровонлик йўлига олиб чиқиш умумий тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади. Давлат дастури асосида қишлоқларни ободонлаштириш, инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш каби муҳим йўналишлар бўйича салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу йил қишлоқ ҳаётида катта ўзгаришлар, юксалишлар даври бўлиши шубҳасиз.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Қишлоқ мулкдорларининг саъй-ҳаракатлари билан улкан хирмонлар уюлиб, юртимиз обод бўлмоқда. Улар фақат деҳқончилик билан шуғулланиб қолмасдан, қўшимча тармоқ сифатида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шу билан қишлоққа саноатни олиб кириш, янги ишчи ўринлари яратиш чора-тадбирларини кўришмоқда. Қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга фермерлар ҳам муносиб улуш қўшишмоқда.

Икки минг тоннадан зиёд пилла етиштирган фермерлар ғалладан ҳам улкан хирмон кўтаришди. Республика Президентининг тегишли қарорига асосан вилоятда 258 минг тонна пахта хом ашёси етиштириш ҳажмлари белгиланган. Табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда, чигитни қисқа муддатларда сифатли экилиши таъминланиб, ҳозирда агротехника тадбирлари белгиланган меъёрлар бўйича ўтказилиши доимий назоратда. Қишлоқ хўжалигида ерни сифатли шудгорлашдан тортиб экинни агротехника тадбирлари асосида парваришлаш, минерал ўғит, ёқилғи маҳсулотлари ва техника билан таъминлаш ҳамда ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишгача бўлган жараён доимий прокурор назоратига олинган.

Гуруч курмаксиз бўлмас деганларидек, юзлаб фидойи қишлоқ мулкдорлари орасида айрим ўзбилармон фермерлар ҳам учраб турибди. Жумладан, Гурлан туманида фаолият юритиб келган "Шердоқ" фермер хўжалиги 2009 йил ҳосили учун 30 гектар майдонга чигит экиб, 81 тонна пахта хомашёси етказиб бериш юзасидан контрактация шартномаси тузган. Шунга қарамасдан, хўжалик раҳбари ажратилган ер майдонидан оқилона фойдаланмасдан, шахсий манфаатлари йўлида 8,6 гектар майдондаги ғўза ниҳолларни бузиб, 6,4 гектарига шоли эккан. Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан фермер хўжалиги билан туман ҳокимлиги ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ва қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида туман ҳокими номига тақдимнома киритилди. Фермер хўжалиги раҳбарига нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

**— Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг самарали фаолият юритишлари йўлида тўсиқ бўлаётган шарт-шароит ҳамда омилларни бартараф этиш прокуратура органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— "Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ҳамда рағбатлантиришга қаратилган. Республика Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан олиб борилаётган назорат фаолияти бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда вилоятимизда 32 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти фаолият олиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг вилоят ялпи ички маҳсулотидаги улуши 56,8 фоизни, шу жумладан, саноатдаги улуши 22,4 фоизни, қишлоқ хўжалигидаги улуши 99,8 фоизни, қурилиш соҳасидаги улуши 73,2 фоизни, савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги улуши 44,2 фоизни, асосий капиталга инвестициялар жалб қилинишида 46,2 фоизни ҳамда пуллик хизматда 65,1 фоизни ташкил этади. Йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркорлар томонидан 60 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорти амалга оширилди. Экспорт ҳажмининг асосий қисми мева-сабзавотлар ҳиссасига тўғри келади.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳисобига 11379 та янги ишчи ўринлари яратилди. Тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 24,2 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Республика мол хом-ашё биржаси вилоят бўлими томонидан тадбиркорларга 41,3 млрд. сўмлик моддий-техника ресурслари етказиб берилди. Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш бўйича ҳудудий дастур асосида 7,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармоя ўзлаштирилди.

Маҳаллий ҳокимликлар, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг, айниқса, кичик бизнес вакилларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, рухсатномалар олишда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларнинг олдини олиш юзасидан назорат кучайтирилган бўлиб, ҳар қандай салбий ҳолатларни бартараф этиш, улар билан учрашув, мулоқотлар ўтказиш, уларга амалий ёрдам бериш, қонунлар талабини тарғиб қилишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, шаҳар-туман прокуратураларида ташкил этилган "Ишонч телефонлари" яхши самара бермоқда. Жумладан, Гурлан туман прокуратурасига ўрнатилган ишонч телефони орқали тумандаги "Сахтиён чеварлари" хусусий корхонаси раҳбари Ш. Исмоилова ва якка тадбиркор С. Соатбоевалар мурожаат қилиб, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида банкдан кредит олиш масаласида амалий ёрдам сўрашган. Ушбу мурожаат "Агробанк"нинг туман филиали мутасаддилари билан бирга ўрганилиб, "Сахтиён чеварлари" корхонаси 7 млн. сўм ва якка тадбиркор С. Соатбоева 2 млн. сўм кредит маблағи билан таъминланди.

Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида тадбирлар давом этмоқда. Қонун устувор бўлган жойда ўсиш, ривожланиш бўлиши шубҳасиз. Вилоятимиз аҳли Мустақиллик байрамини ана шундай кўтаринки руҳ ва ишонч билан кутиб олмоқда.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Бозорбой УЛЛИБОБОЕВ**
**суҳбатлашди**

# СОЛИҚЛАР ИҚТИСОДИЁТ

**«Хоразм электр тармоқлари» ОАЖ мансабдор шахслари 3,3 млрд. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлар**

**Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислоҳотларнинг туб мақсади халқ фаровонлиги, эл ободлигига қаратилган. Ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва қатъий тартиб асосида изчил амалга оширилаётгани туфайли одамларнинг турмуши фаровонлашиб, юртимиз кун сайин юксалиб бормоқда. Юртимизнинг қайси гўшасига борманг, бунёдкорликларга гувоҳ бўласиз. Янгидан қад ростлаётган мактабу коллежлар, замонавий турар-жой бинолари, бозору гузарлар юртимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Албатта, буларнинг барчаси юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталикнинг шарофатидир. Қолаверса, республикамизда зарур қонунчилик базаси яратилган бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан уларнинг самарадорлиги таъминланиб келинмоқда.**

Солиқ — иқтисод таянчи. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланаётган солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг катта қисми ижтимоий ҳимоя тадбирларига сарфланаётганлигини эътиборга олсак, бюджет интизомига қатъий риоя этиш ҳар бир фуқаронинг ҳам инсоний, ҳам конституциявий бурчи эканини ойдинлашади. Аслида солиқ тўлаш ватанпарварликнинг бир намунасидир.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, солиқ ва валютага оид қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда яширин иқтисодий фаолиятга барҳам бериш борасида бошқармамиз томонидан бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Йилнинг дастлабки олти ойи давомида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида солиқ ва валютага оид 178 ҳолатда қонунбузарликлар содир этилгани аниқланди. Ҳуқуқбузарларга нисбатан 143 та жиноят, 51 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Давлат бюджетига 6 млрд. сўмга яқин қўшимча солиқ ҳисобланиб, 1,9 млрд. сўм ундирилишига эришилди. Ҳуқуқбузарлардан олинган 122 млн. сўмлик товар ва моддий бойликлар давлат ҳисобига ўтказилди.

Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси алоҳида назоратга олинган. Қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган тадбирларда 4 млрд. сўмлик ноқонуний товар-нақд пул айланмаси аниқланди. Мисол тариқасида Янгиариқ туманидаги "Матонат қурилиш савдо" МЧЖни келтириш мумкин. Ўтказилган тезкор-таҳлилий тадбирларда маълум бўлишича, жамият раҳбари Э.Каримов ва ҳисобчи Ж.Аллабергановлар солиқ идораларига тақдим этган ҳисоботларда товар айланмаси 1,8 млрд. сўмдан зиёдни ташкил этгани ҳолда, салкам тенг ярмига камайтириб кўрсатишган. Оқибатда, давлат бюджетига 18,3 млн. сўмлик ягона солиқ тўлови тўланмаган. Шунингдек, жамиятнинг солиқ тўлаш учун имконияти бўлгани ҳолда, қасддан 49,8 млн. сўмлик солиқларни тўлашдан бўйин товлаб келганлар. 911,6 млн. сўмлик маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан олиб, нақд пулга сотиб юборишган

**Аҳолини иш билан таъминлаш, иш ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ берилишига эришиш ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Вилоятимизда ҳам аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Прокуратура органлари, ҳокимликлар ҳамда бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан бўш иш ўринлари ярмаркалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.**

# МУҲИМ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Аҳолини иш билан таъминлаш дастури асосида жорий йилнинг олти ойида 34,8 мингта янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш учун 1261,1 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун ижроси юзасидан назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Текширишларда қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Хонқа туман прокуратураси томонидан янги иш ўринлари яратиш мақсадида берилган имтиёзли кредит маблағларининг мақсадли ишлатилиши ўрганилганида, айрим шахслар мазкур маблағларни талонторож қилганлиги маълум бўлди. Тумандаги "Юра Меркурий" МЧЖ раҳбари Ю.Иноятов қалбаки ҳужжатлар асосида РАТБ "Ғалла банк" минтақавий филиалидан 3 йил муддатга 25 млн. сўм кредит олиб, мақсадсиз фойдаланган. Янги иш ўринлари яратмасдан давлатга жуда кўп миқдорда зарар етказган.

Қонун талабларига кўра, иш берувчилар меҳнат органларига бўш иш жойларининг мавжудлиги тўғрисида ҳар ойда маълумот бериши керак бўлсада, Боғот туманидаги "Боғот Агроқурилиш", "Қишлоқхўжаликкимё", "Боғот автохизмат" ва "Туямўйин-Урганч"МСҚФБ туман бўлими раҳбарлари тегишли тартибда маълумотномалар тақдим этмаганлари учун маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ёшларни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олинишини, шунингдек, кейинчалик уларнинг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ёшларни иш билан таъминлашда таълим муассасалари зиммасига катта масъулият юклади. Шунга қарамасдан, айрим мансабдор шахслар томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши мониторингини доимий олиб борилмасдан, битирувчиларни ишга жойлашгани ҳақидаги ҳисобот бузиб кўрсатилиб, нотўғри маълумот тақдим қилинган.

Урганч ахборот ва компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи 7 та тайёрлов йўналиши бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаб, битирувчиларнинг 238 нафари ишга жойлаштирилгани тўғрисида маълумотнома берган. Мониторинг натижаси аслида маълумотномада кўрсатилганларнинг 45,5 фоизи иш билан таъминланмаганлигини кўрсатди.

Шунингдек, Хива туман прокуратураси томонидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари 2007-2008 ўқув йили битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши ва статистик ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги ўрганилганида, тумандаги 9 та касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг 2419 нафари ишга жойлашгани кўрсатилган бўлса-да, амалда 1975 нафар битирувчи иш билан таъминланган.

Текшириш якунларига кўра, нотўғри маълумотнома тақдим этиб келган таълим муассасалари раҳбарларига нисбатан интизомий жавобгарликка оид ишлар қўзғатилди.

**Райҳон ЮСУПОВА,**
**Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

# МУАММО БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

**иш ҳақи берилишидаги айрим муаммолар хусусида**

Меҳнат унумдорлигини таъминлаш, ишчи-хизматчиларни меҳнатига яраша рағбатлантириш, иш сифати ва самарадорлигини оширишда иш ҳақини ўз вақтида ҳамда тўлиқ берилиши катта аҳамиятга эга. Бу масала вилоят прокуратураси органлари томонидан алоҳида назоратга олинган.

Республика Президентининг "Банклардаги депозит ҳисоб варақалардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги қарори ижроси ўрганилганда, "Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан пул муомаласига доир ишларни ташкил қилиш тўғрисида"ги йўриқноманинг 37-бандига асосан бюджет ташкилотларининг меҳнатига ҳақ тўлаш учун пул бериш ойнинг биринчи ярми учун шу ойнинг 16-20 кунлари ва ойнинг иккинчи ярми учун кейинги ойнинг 1-5 кунлари амалга оширилиши кўрсатилган бўлсада, мазкур талаб бузилган ҳолда бюджет ташкилотлари бўйича шу йилнинг 1 июль ҳолатига 17320 млн. сўм иш ҳақи ва нафақа маблағлари муддатидан кечиктириб берилган.

Урганч шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш натижасида "Ўзсаноатқурилишбанк" Хоразм минтақавий филиали пул муомаласи бўлими бошлиғи Р.Хўжаев бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларга иш ҳақи учун пул маблағларини беришни асоссиз кечиктиргани учун МЖтКнинг тегишли моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлсада, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан, бюджет интизомини такроран бузгани сабабли унинг устидан жиноят иши қўзғатилди.

Айрим мансабдор шахслар тўлов интизомини бузиб, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини ўз вақтида тўламасдан, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказишмоқда. Урганч туманидаги "Дўрман-Урганч" ММТП раҳбари Қ.Зарипов 84,6 млн. сўм дебитор қарздорликнинг 30,6 млн. сўмини, 68,8 млн. сўмлик кредитор қарздорликнинг 20,7 млн. сўмини тўлов муддатини ўтказиб юбориб, ишчи-хизматчиларнинг 6,3 млн. сўмлик иш ҳақини бермасдан, қонун талабларини бузиб келган. Шунингдек, Хива туманидаги "Ал-Хоразмий" кафолат ММТП раҳбари Э.Абдуллаев ва бош ҳисобчи Ж.Абдуллаевлар ҳам 10,5 млн. сўмлик иш ҳақларини вақтида берилишини таъминлашмаган.

Хонқа тумани "Навхос" сувдан фойдаланувчилар уюшмасида тўлов интизомига оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишда дебитор-кредитор қарздорликларни бартараф этиш чоралари кўрилмагани оқибатида 2008 йилнинг май ойидан буён 11 млн. сўм иш ҳақи берилмасдан келинаётгани аниқланди.

Бундан ташқари, айрим мансабдорлар ваколатларини суиистеъмол қилиб, иш ҳақларини вақтида бермасдан, иш ҳақи учун ажратилган пул маблағларини ўзлаштирганлик ҳолатлари ҳам аниқланди. Қўшкўпир туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактаби директори У.Собиров хўжалик ишлари мудири Р.Бобоев билан жиноий тил бириктириб, ишчи-хизматчиларнинг 1,9 млн. сўм пулларини ўзлаштиришган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан муҳим ижтимоий ҳимоя ҳисобланган иш ҳақларини ўз вақтида ва тўлиқ тарқатилиши мунтазам ўрганиб келинмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг манфаатларини кўзлаб судларга 130,2 млн. сўмлик 36 та аризалар киритилиб, қаноатлантирилди.

**Марсел АСХАДУЛЛИН,**
**Хоразм вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори**

**Аҳолининг кам таъминланган қисмига йўналтирилган бюджет маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш, уларни айнан эҳтиёжманд оилаларга етиб боришини таъминлаш ижтимоий ҳимоя тадбирлари самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шуни назарда тутган ҳолда, туман прокуратураси томонидан мазкур қарор ва фармонларнинг бажарилиши, бюджет маблағларини қонун талаблари асосида сарфланиши доимий назоратга олинган.**

# ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ҲОТАМТОЙЛИК

Текширишларда кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга нафақа тайинлаш учун масъул бўлган айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўз иш фаолиятларида қонунбузилиш ҳолатларини содир қилиб келаётганликлари аниқланди. Туманда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, моддий ёрдам ва нафақа пулларини ноқонуний тайинлагани оқибатида давлат манфаатларига 38,8 млн. сўм зарар етказганлиги учун 19 нафар маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари жиноий жавобгарликка тортилди.

Хонқа шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб келган Ў.Собиров ва 11 нафар маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, жами 26,3 млн. сўмлик нафақа пулларини сохта ҳужжатлар асосида фуқароларга ноқонуний равишда тўлашга сабаб бўлиб, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказганлар.

Ў.Собиров шаҳарчадаги болали оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш бўйича комиссия иш фаолиятини тўғри ташкил қилмаганлиги, ҳудуддаги 15 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти устидан лозим даражада назорат ўрнатмаганлиги, нафақа тайинлашда норматив ҳужжатларга риоя қилинмаганлиги, фуқароларнинг моддий ва иқтисодий аҳволи холисона ўрганилмасдан нафақа тайинлангани оқибатида 2007 йилнинг январь ойидан 2008 йилнинг 1 декабрь кунига қадар 29,4 млн. сўм нафақалар ноқонуний тўланишига сабабчи бўлган.

Шаҳарчадаги 4-сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Искандаров 15 нафар фуқаронинг моддий аҳволи яхшилигини ва иқтисодий жиҳатдан таъминланганини билгани ҳолда, уларга 3,2 млн. сўмлик нафақа пуллари тайинлаган. 7-сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б. Дўстметов эса, 10 нафар фуқарога 2,6 млн. сўмлик нафақаларни ноқонуний берган. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Яна бир ҳолат. Ю.Иноятов ўзининг жиноий шериги А.Каримов билан биргаликда нафақа тайинловчи ва олувчиларга "пуллик хизмат" кўрсатиш билан шуғулланиб келган. Ю.Иноятов фирибгарлик, мансаб сохтакорлиги, ҳужжатларни тайёрлаш, қалбакилаштириш, сотиш ҳамда ўзбошимчалик жиноятларини содир этган. У ўзи, турмуш ўртоғи ва ўғлининг номида бўлган фирмалар номидан нафақа олувчи фуқароларга ишга кирганлиги, иш ҳақи тўғрисида сохта маълумотномалар ёзиб, ҳеч иккиланмасдан меҳнат дафтарчаларига жимжимадор қайдлар битишни одат қилиб олган.

Албатта, жиноят жазосиз қолмайди. Бюджет томонидан мақсадли йўналтирилган маблағларни зарур оилаларга бермасдан, ўз манфаатларини кўзлаб иқтисодий таъминланган фуқароларга бериш ҳаракатида бўлган қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари масъул мансабдор шахс эканини унутмасдан, ижтимоий ҳимоя тадбирларини амалга оширишса, нур устига нур бўларди.

**Икром ПАЛВАНОВ,**
**Хонқа туман прокурори**

# ТАЯНЧИ

ҳамда маблағларни банкка топширмасдан бошқа мақсадларда ишлатиб юборишган.

Урганч туманида фаолият кўрсатиб келган "Равшан Сервис" МЧЖ мутасаддилари ҳам шундай жиноятни содир этишган. Жамият раҳбари Ҳ.Раҳманов ва ҳисобчи Ш.Машариповлар 2008 йил давомида 759,3 млн. сўмлик товар айланмасини амалга оширишгани ҳолда, ҳисоботларда товар айланмасини 268,4 млн. сўмга камайтириб кўрсатишган. Шу йўл билан давлат бюджетига 10,7 млн. сўмлик солиқни тўлашдан қасддан бўйин товлаганлар. Чакана савдодан тушган 268,4 млн. сўм нақд пул банкка топширилмасдан, вилоят бозорларидан мувофиқлик сертификатлари бўлмаган товарлар сотиб олиниб, хўжалик юритувчи субъектларга улгуржи тартибда сотиб юборилган.

Яна бир ҳолат. Жамиятнинг 2008 йил якуни бўйича тақдим этилган ҳисоботларига асосан, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси 26,4 млн. сўмни ташкил этган. Туман солиқ идораси томонидан шу йилнинг 5 мартида ушбу суммани ундириш мақсадида жамиятнинг банкдаги ҳисоб рақамига инкасса топшириқномаси берилади. Аммо АТБ "Савдогар" банкнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими 2-тоифа ҳисобчиси А.Аҳмедова хизмат вазифасини лозим даражада бажармасдан топшириқномаларни 11 мартга қадар ўзида сақлаб келган. Бу билан 5-11 март кунлари жамият ҳисоб рақамига тушган 37,5 млн. сўмнинг бошқа мақсадлар учун ҳисобдан чиқарилишига ва бюджетга жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлган.

"Хоразм электр тармоқлари" ОАЖда солиқ қонунчилигига риоя этилиши аҳволи ўрганилганида, жамият мансабдорлари томонидан жиддий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди. Жамият мутасаддилари йил бошига 2,6 млрд. сўм муддати ўтган дебитор қарздорлик пайдо бўлишига йўл қўйганлар. Шунингдек, ўтган йили аҳоли учун электр энергиянинг тарифи 2 маротаба ўзгартирилганига қарамай, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари"нинг 13-бўлими 132-моддаси талабларига зид равишда дебиторлик қарздорлик бўйича қайта ҳисоб-китоб ўтказилмаган. Оқибатда 19,4 млрд. сўмлик дебиторлик қарздорликни ҳисоботлардан қасддан яшириб, тўланиши лозим бўлган 3,3 млрд. сўмлик солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлар.

Республика иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини арзон ҳамда сифатли товарлар билан тўлдириш, давлат бюджетига солиқ тушумларининг кўпайишида тадбиркорларнинг муносиб ўрни бор. Бошқармамиз томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш, улар олдига сунъий тўсиқ қўяётган омилларни бартараф этиш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмоқда.

Хиванинг "Эски қиёт" қишлоғида яшовчи фуқаро Ў.Машариповга фаолиятини қонунийлаштириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, банк маблағи асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида амалий кўмак берилди. Натижада Ў.Машарипов "Хива кулоллари" хусусий корхонасини ташкил қилиб, қонуний рўйхатдан ўтди. Тадбиркор мақомига эга бўлди. Энг муҳими, 10 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, корхона бизнес режасига кўра ҳар ойда ўртача 3 млн. сўм нақд пулни банкка топширади. Ишчиларга 800 минг сўм атрофида иш ҳақи берилади. Фаолияти бўйича ва иш ҳақи ажратмаларидан ҳар ойда 500 минг сўмга яқин солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилиши кутилмоқда. Бу биргина тадбиркорнинг ўз фаолиятини қонун асосида амалга ошираётгани, тегишли тартибда қўллаб-қувватлангани натижасидир.

**Рустам СОБИРОВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи**

**Саҳифа материалларини Улли БОБОЕВ тайёрлади**

ИФТИХОР





## Саҳифамизда Наманган вилоят прокуратураси органлари



# ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хўжакўрсинга ишлаш, кўзбўямачилик каби иллатларни таг-томири билан қуритиш, билим даргоҳларини битириб чиқаётган ёшларни ишга жойлаштириш, меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этиш борасидаги вазифаларни белгилаб берди.

Вилоятимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастурида белгиланган режалар изчил амалга оширилмоқда. Қишлоқларни ободонлаштириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфраструктурасини ривожлантириш борасида диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Деҳқончилик, боғдорчилик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар барпо этилмоқда. Янги иш ўринлари яратилмоқда. Илгари йўл қўйилган хато ва камчиликлар тузатилмоқда.

Хусусан, аввалги йиллари қурилиш ва ободонлаштириш жараёнини режалаштириш ва лойиҳалаш ишларида пала-партишликка йўл қўйилган. Вилоят архитектура ва қурилиш Бош бошқармасида ишлаб чиқилган туманларнинг марказлари, қишлоқларнинг бош режалари лойиҳаларига амал қилинмаган.

96 та аҳоли пунктларининг бош режалари ишлаб чиқилмаган. 252 та аҳоли пунктларининг бош режалари эскирган, ҳозирги талабга жавоб бермайди. Туманларнинг ҳокимлари қарори билан аҳоли яшаш пунктларида бош режа, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига зид равишда 509 та ҳолатда ер майдонлари ажратилиб, ноқонуний қурилиш ишлари бажарилган. Туман архитекторларининг масъулиятсизлиги, назорат юритмаганлари натижасида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига амал қилинмаган ҳолда 58 та объектлар ноқонуний ишга туширилган ва улардан фойдаланиб келинган.

91 та объектларнинг лойиҳалари тўғрисида Давлат экспертизасининг хулосаси, ваколатли органнинг рухсатномаси олинмасдан ўзбошимчалик билан қурилиш ишлари бошланган. Сўнгги икки йил мобайнида бошқарма томонидан шаҳарсозлик борасидаги қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан тегишли чоралар қўлланилмаган.

Шунингдек, бош бошқарманинг ўзида ҳам қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Хизмат машинасини бошқа идорага тўловсиз ўтказиб берган, бир неча ходимларга қонунга зид мукофотлар ажратган, 5,5 миллион сўм давлат маблағларини талон-тарож қилган бош бошқарма бошлиғи Р.Абдураҳмонов жиноий жавобгарликка тортилди.

2003-2009 йилларда вилоятдаги 92 та, шу жумладан 12 та олис, аҳолиси сийрак қишлоқларни табиий газ билан таъминлаш режалаштирилган. Шунга мувофиқ бюджет, корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолининг 6,1 миллиард сўм маблағи сарфланиб, 744 километр масофада газ қувурлари тортилган. Шунингдек, юқоридагидай тарзда молиялаш ҳисобига салкам 4,9 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 668,1 километр масофада ичимлик сув қувурлари ётқизилган.

Бироқ режалаштирилган 44 та қишлоққа табиий газ, 9 та қишлоққа эса ичимлик сув етиб бормаган. Ўтган йил таҳлилига кўра вилоят аҳолисининг 15,6 фоизи табиий газ, 21,5 фоизи ичимлик сув билан таъминланмаган. Тааллуқли идоралар раҳбарларининг муросасозлиги туфайли режа топшириқлари бажарилмаган. Чунончи, Чуст туманидаги Резаксой қишлоғига 4 километр ичимлик сув қувури тортиш учун 30 миллион сўм маблағ ажратилган. Лекин пудратчи "Наманган оби ҳаёт" корхонаси раҳбарларининг масъулиятсизлиги оқибатида иш чала қолган.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастури асосида қишлоқларни табиий газ ва ичимлик сув билан тўкис таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Прокуратура органлари дастурнинг барча бандлари ижросини таҳлил қилиб боришмоқда.

Қишлоқларни туманларнинг марказлари билан равон йўллар орқали боғлаш кўзда тутилган бўлса-да, бироқ бу ишга масъул корхоналар шартнома мажбуриятларини бажармаган ҳолатлар ҳам аниқланди. Хусусан, Мингбулоқ туманидаги "Зоҳид О. Г. А." корхонаси раҳбари Г.Ғофуров туман коммунал фойдаланиш бошқармаси билан тузилган шартнома асосида "Маданият", "Найман" маҳалла фуқаролар йиғинлари, Қораянтоқ қишлоғидаги ички йўлларни ўтган йилнинг 31 декабрь кунига қадар таъмирлаб бериши лозим эди. Бунинг учун ажратилган 141,6 миллион сўмнинг 59,4 миллиони аванс тариқасида тўланган бўлса-да, корхона бор-йўғи 12,6 миллион сўмлик иш бажарган. Аслида бажарилмаган 44,6 миллион сўмлик ишларни қўшиб ёзиб, сохта ҳужжатлар тузган корхона мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Вилоят прокуратураси органлари қишлоқларда қурилиш, ободонлаштириш, ерлардан мақсадли фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш жараёнини ўрганишмоқда. Ердан ғайриқонуний фойдаланишнинг олди олинмоқда.

Прокуратура органлари тегишли чораларни қўллаб, ноқонуний тақсимланган 37,9 гектар ер майдонини давлатга қайтарилди. 533 та ҳолатда ердан мақсадсиз фойдаланишга чек қўйилди.

Қишлоқ хўжалигида сув ва гидротехника иншоотлари, техника воситалари, ёнилғини сақлаш ва улардан фойдаланиш, минерал ўғитлар билан таъминлаш, пиллачиликни ривожлантириш, ўзаро ҳисоб-китоб ҳамда тўлов интизоми борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижроси таҳлил қилинмоқда. Ўтган ярим йил мобайнида қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун 383 та тақдимнома, қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 106 та протест киритилди. 2468 нафар масъул мансабдор шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. 44 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. 29 миллион сўмликдан зиёд зарар ўрни ихтиёрий қопланди. 808 миллион сўмлик зарарларни ундириш учун судларга 256 та даъво аризалари киритилди.

Прокуратура органлари барча соҳаларда давлат манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқда, қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида мунтазам равишда иш олиб бормоқда. Тўлов интизомининг бузилиши корхонани ночор, банкрот ҳолга келтирувчи сабаблардан биридир. Дебитор ва кредитор қарздорликнинг ортиб бориши оқибатида тўлов қобилиятини йўқотган корхона хом ашё, бутловчи қисмлар ва бошқа зарур нарсаларни харид қила олмай, охироқибат инқирозга юз тутади.

Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш тўғрисидаги Президент фармонида бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш назарда тутилган. Бироқ, ушбу талабларга риоя қилмаган, давлат ва жамиятга, қўл остидаги ходимларнинг манфаатларига жиддий зарар етказган мансабдорлар учрамоқда. Хусусан, "Наманган йўлсоз" МЧЖнинг раҳбари Ж.Акрамов 25 та ҳолатда олдиндан 15 фоиз тўлов ўтказишни талаб қилмасдан корхона ва ташкилотларнинг буюртмаларини бажарган. Аксарият корхона ва ташкилотлар қарзларини тўлашни ортга сурганлари оқибатида 82,9 миллион сўмлик дебитор, 104 миллион сўмлик кредитор қарздорлик вужудга келган. Қарздорликни бартараф этиш, корхона ишчи ва хизматчиларига 4,4 миллион сўм иш ҳақларини тўлаш чоралари кўрилмаган. Тўланмаган 158,3 миллион сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга 125,7 миллион сўм устамалар ҳисобланиб, давлат ва жамоа манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган.

"Наманган қурт уруғи" МЧЖ, Косонсой туманидаги "Сувоқава" корхонаси, Тўрақўрғон туманидаги "Улгуржисавдо базаси", Чуст туманидаги "Чуст пилла" МЧЖнинг мансабдор шахслари ҳам жуда кўп миқдордаги муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорликни бартараф этиш, ходимларга иш ҳақларини тўлаш чораларини кўришмаган. Тўлов интизомига риоя қилмаган мансабдорлар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилди.

Прокуратура органлари тегишли идоралар билан бирга пенсия ва нафақалар, иш ҳақлари ўз вақтида тўланишининг манбаи-нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини камайтириш чора-тадбирларини кўришмоқда. Банкларнинг иш ҳақи ва бошқа биринчи навбатдаги тўловларни нақд пул билан таъминлаш борасидаги иш жараёнлари таҳлил қилинмоқда. Аниқланган қонунбузилишларга нисбатан тегишли чоралар қўлланмоқда.

Чунончи, "Халқ банки" Мингбулоқ туман филиали бошлиғи муаммони антиқа "усул" билан ҳал этишга уринган. Шу йил февраль-март ойларида учта маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи фуқароларнинг розилигини олмасдан 67 миллион сўм нафақа пулларини фоизсиз омонат жамғармаларга ўтказиб қўйган.

Чортоқ туманидаги "Vodiy Vincs" МЧЖга нақд пул тушуми прогнози белгиланмаган, банкка нақд пул топширмаган бўлса-да, "Агробанк" туман филиалининг бошқарувчиси А.Низомов ва бош ҳисобчиси А.Усмоновлар ушбу корхонанинг ҳисоб рақамига 100 миллион сўм маблағни ғайриқонуний ўтказиб беришган. 31 та бюджет муассасаларига иш ҳақи учун расмийлаштирилган 102 миллион сўмдан зиёд чекларни ижрога қаратганлари ҳолда нақд пул билан таъминлашмаган. МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб юборилган 100 миллион сўм пул маблағи бюджет муассасаларига иш ҳақи учун берилгани тўғрисида сохта маълумотларни киритишган.

Таҳлилларда аниқланганидек, айрим жойлардаги пул-кредит сиёсати комиссияларининг фаолиятлари талабга жавоб бермайди. Нақд пул тушумига эга корхоналарнинг имкониятлари батафсил таҳлил қилинмай, тахминий маълумотлар асосида адолатсиз режалар белгиланиши туфайли прогноз кўрсаткичлари бажарилмай қолган.

Чунончи, Учқўрғон туман ҳокимлиги ҳузуридаги пул-кредит комиссияси нақд пул маблағларини банк ғазнасига жалб этиш борасида етарли иш олиб бормаган. Савдо терминаллари билан таъминлаш борасидаги вазифаларини бажармаётган тижорат банкларига нисбатан тегишли чоралар қўлланилмаган. Оқибатда 432 та савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчаларининг 72 таси ёки 16,7 фоизигина савдо терминали билан таъминланган, холос.

Наманган туманидаги "Минор савдо сервис" МЧЖ раҳбари А.Бўранов улгуржи савдо билан шуғулланиб, шу йилнинг икки ойи мобайнида 1 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотган-у, назорат касса машинасига кирим қилмаган, банкка топширмаган.

Аниқланган юқоридагидай ҳолатлар бўйича 36 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Прокуратура органлари биринчи даражали пенсия, нафақа, иш ҳақи тўловларининг кечиктирилиши ҳолатларига нисбатан қонуний чораларни кўришмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишмоқда.

Тўрақўрғон туманидаги "Оҳангар ТТТ" ишлаб чиқариш компаниясининг маъмурияти ходимларига 12,8 миллион сўм иш ҳақларини ўз вақтида тўламагани аниқланиб, фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Уйчи туман прокуратураси аралашуви билан "Халқ банки" туман филиалидан "Лазокатбону Гулистон", "Мамаджонов Омончабой", "Зокиржон Одилжон" фермер хўжаликларига 1 миллион 58 минг сўм иш ҳақлари олиб берилди.

Таҳлиллар жараёнида қонун талабларини тушунтириш воситасида 1127 нафар фуқарога 312,6 миллион сўм маошлари, прокуратура органларига мурожаатларни ҳал этиш орқали 5487 нафар фуқарога 1 миллиард 336 миллион сўмдан зиёд иш ҳақлари тўланиши таъминланди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларда иш ҳақлари, мукофот пулларини сохта ҳужжатлар тузиб олиш ва ўзлаштириш, МФЙларда нафақаларни ғайриқонуний тайинлаш ҳолатлари аниқланиб, мансабдор шахслар жавобгарликка тортилди.

Давлатимизда ишсизлик муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Меҳнат ва бандлик, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, касаначилик асосида иш юритишни кенг йўлга қўйиш борасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари турли йўналишларда янги иш ўринлари яратиш имкониятларини ҳавола этмоқда. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йили Давлат дастури асосида қишлоқларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги муаммоси ўз ечимини топмоқда.

Бироқ меҳнат ва бандлик масалалари билан шуғулланувчи айрим идораларнинг ходимлари, раҳбарлари бу борада кўзбўямачиликка йўл қўйган ҳолатлар аниқланди. Хусусан, ўтган йили вилоятда яратилган янги иш ўринлари ошириб кўрсатилган. Ҳисоботларга аслида йўқ 2269 та иш ўринлари қўшиб ёзилган. Бандликка кўмаклашувчи марказларнинг ходимлари ва раҳбарлари корхона ва ташкилотлар тақдим этган маълумотларни текширмасдан, кўр-кўрона ҳисоботларга киритишаверган.

Айрим коллежларнинг раҳбарлари битирувчиларни ишга жойлаштириш тўғрисидаги ҳисоботларни сохталаштиришган. Норин педагогика касб-ҳунар коллежи, Норин иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, Норин қурилиш касб-ҳунар коллежининг аслида ишламаётган 133 нафар битирувчилари ишга жойлаштирилгани ҳақида сохта маълумотлар тузилган. Учқўрғон туманидаги 6 та касб-ҳунар коллежларининг 986 нафар битирувчилари ишга жойлашгани тўғрисидаги ҳисобот ҳам ҳақиқатдан йироқ бўлиб чиқди. 335 нафар битирувчи ишга жойлашмагани аниқланди.

Вилоят прокуратураси органлари кўзбўямачиликка барҳам бериш, янги иш ўринлари яратилишини рағбатлантириш билан бирга бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этишмоқда. Уларда фуқаролар, битирувчи ёшлар ўзларига мақбул ишга жойлашишмоқда.

Прокуратура органлари вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, таълим-тарбия жараёнидаги қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш устида иш юритишяпти. Жумладан, ёшларнинг тафаккурини шакллантириш, дунёқарашларини кенгайтириш, ҳуқуқий саводхонликларини ошириш мақсадида ўқув муассасаларида 310 маротаба учрашувлар, маърузалар ва суҳбатлар ўтказилди.

Ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотлардаги учрашув ва суҳбатларда юртдошларимиз муборак сана-истиқлолнинг 18 йиллигини истиқболга ишонч билан қарши олишаётганини шоҳиди бўляпмиз. Зеро, мамлакатимиз Конституцияси асосида қабул қилинган қонунлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб турмуш шарт-шароитларини ҳавола этишга хизмат қилмоқда.

26-IYUL Yakshanba

### O'ZBEKISTON

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00, 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00, 13.00 "Иқлим".
07.05 Б/ф "Қизғалдоқ". 2-қисм.
07.50 "Тонгги наволар".
08.00 "Ахборот".
08.30, 17.05, 20.00, 20.50, 22.40 ТВ - анонс.
08.35 "Бизнинг кутубхона".
08.45 "Гарри фариштaлар мамлакатида". М/ф.
10.00 "Саломатлик сирлари".
10.20 "Минг бир ҳунар".
10.35, 01.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.20 "Оҳанрабо".
13.05 "Очиқ дастурхон".
13.35 Ҳинд киноси: "Гоҳи шодлик, гоҳи ғам".
17.10 "Ҳамон ёдимда..."
17.50 Б/ф "Ойижон".
19.05 Тошкент - 2200. "Боқий Тошкент".
19.10 "Ранглар жилоси". Фильм.
19.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома". /рус/.
20.05 Т/с "Денгиздан томчи".
20.35 "Кўнгил қўшиқ истайди".
21.00 "Таҳлилнома".
21.40 "Заковат".
22.45 "Қўғирчоқлар". Б/ф.
00.35 - 00.40 Тунги наволар. "Uzbekistan".
00.40 Кўрсатувлар дастури.
00.45 "Минг бир ҳунар".
01.00 "Таҳлилнома". /рус/.
02.15 "Ранглар жилоси". Фильм.
02.30 "Очиқ дастурхон".
03.00 "Заковат".
04.00 "Таҳлилнома".
04.40 Б/ф "Ёр-ёр".
05.40 - 05.55 Тонгги наволар.

### YOSHLAR

06.55 "Yoshlar" саломи".
07.00 "Якшанба нонуштаси".
07.20 "Ватан меҳри".
07.30 "Табассум қил!"
08.00 Киноклассика: "Гугуртга кетиб".
09.35 "Тошкент таронаси".
09.40 "Соғлик - бойлик".
10.00 "Ватанпарвар".
10.40 "Шерюрак". Т/с.
11.25 "Тошкент-2200".
11.30 "Келинлар қўзғолони". Спектакль.
13.20 "Ўзбегим матолари".
13.40 "Ҳаққуш". Т/с.
14.25, 17.25 "Ўзбек адабиёти".
14.30 "Инсон психологияси".
15.00 "Yoshlar-FM".
15.20 "Кўзгу". Ҳажвия.
15.40 "Айланай..."
16.00 "Камолот".
16.10 "Жумонг". Т/с.
17.20 "Ватан меҳри".
17.30 Киноклассика: "Ғаройиб бола".
18.55 "18 ёшинг муборак!"
19.00 "ДАВР". Ҳафта якуни.
19.30 "Рўзғор мактаби".
20.00 "Тараннум".
20.40 "Тошкент кўчалари".
20.45 Ҳинд киноси: "Жаннат".
23.20 "Юрт тинчлиги".

### TOSHKENT

07.20 Кўрсатувлар тартиби.
07.25, 13.00 "Салом, Тошкент!"
08.25 Бизнес-"Пойтахт".
08.30 "Муҳаббат қаҳваси". Т/с.
09.20, 16.05 "Карвонсарой".
09.30 "Пойтахт".
09.40 "Репортаж".
09.50 "Тошкент-2200".
09.55, 15.45, 19.05 "Телекурьер-маркет".
10.15 "Истеъдод".
10.30 "Пойтахт". /рус/.
10.40, 14.00, 16.35, 19.00, 20.05 "Анонс".
10.45 "Ним ороли". Б/ф.
12.15 "Саргузаштлар ороли".
12.40 "Ҳазрати Лангар ота". Т/ф.
14.05 "Жайдари келин". Муқимий номидаги мусиқий драма театрининг спектакли.
16.15 "Болаликка қайтиб".
16.40 "Тошкентда латифа".
16.45 "Фаровонлик бекати".
17.00 "Кўзларинг маъюс". Б/Ф.
19.25 "Нима учун?"
20.10 "Тошкент оқшомлари".
20.40 "Кинотақдим".
21.05 "Туризм ҳақида". /рус/.
21.35-23.35 "Кино SMS со звёздами": "Куда приводят мечты". "Западня".
"Легенда Баггера Ванса".

### SPORT

08.00 "Бодрое утро".
09.00 "Хабарлар" (рус)
09.20 "Қувноқ стартлар".
10.00 "Хабарлар" (ўзб)
10.25 Футбол. Мавсумнинг энг яхши учрашувлари. "Бунёдкор" - "Шўртан".
12.00 "Аёл ифори".
12.40 "АВТОграф".
13.00 - 14.50 Спортивное кино: "Гол-2".
***
18.00 "Спорт - менинг ҳаётим".
18.30 "Версия".
18.55 Футбол. Ўзбекистон кубоги. 1/2 финал. "Пахтакор" - "Нефтчи". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
20.55 Велоспорт "Тур де Франс".
21.30 "Талқин".
22.05 Футбол. мавсумнинг энг яхши учрашувлари. "Динамо" (Киев)- "Шахтёр".
23.40 "Профринг".
00.40 Тунингиз осуда бўлсин!"

### TV-MARKAZ

07.00, 11.00, 13.40, 17.00 Ўзбек наволари
09.30 Мультфильм
10.30 "Baby Terra Landiya"
11.30 Х/ф "Знамение"
15.00 Х/ф "ЛЮДИ ИКС. ПОСЛЕДНЯЯ БИТВА"
17.30 "M-Files"
18.00 Prime time (рус)
18.10 Узбек наволари
20.30 "Кинокурьер"
21.00 Узбек наволари
21.30 "Премьера" (рус)
22.00 Х/ф "ПУТЕШЕСТВИЕ К ЦЕНТРУ ЗЕМЛИ"
23.50 Миксер

### Первый канал

05.00, 09.00, 11.00 Новости
05.10 "Эмигранты. Путь домой"
06.05 Смак
06.45 "Служу Отчизне!"
07.15 Х/ф "Командир счастливой "Щуки"
09.10 Мультфильм "Король и дыня"
09.25 "Непутевые заметки"
09.40 "Пока все дома"
10.25 Фазенда
11.10 "Сокровище нации"
12.15 Ералаш
12.35 Х/ф "Одиночное плавание"
14.15 Ударная сила. "Океанский "Атлант"
15.05 "Две звезды". Лучшее
17.50 Футбол. XV тур. ЦСКА - "Спартак"
20.00 "Время"
20.20 "Большая разница"
21.25 Х/ф "На расстоянии удара"
23.15 Х/ф "Три дня вне закона"
01.00 Х/ф "Убийство в Саншайн-Менор"
02.25 Т/с "Богатство"

### РОССИЯ

05.10 Х/ф "Золотая мина"
07.50, 08.40 **Мультфильм**
10.00, 13.00, **19.00 Вести**
10.10 **Местное время.** Вести-Москва. **Неделя в** городе
11.00 Х/ф "**Сокровище**"
13.20 Вести-Москва
13.30 Вести. Дежурная часть
14.25 "Честный детектив"
15.00 "Смеяться разрешается"
17.10 Т/с "Всегда говори "всегда"
19.15 Х/ф "Сумасшедшая любовь"
21.10 Х/ф "Мы странно встретились"
22.55 Х/ф "Смертельное оружие-2"
01.15 Х/ф "Плетеный человек"
03.10 Комната смеха

### НТВ

04:00 Боевик "Криминальный квартет".
05:30 "Дикий мир" с Тимофеем Баженовым.
06:00, 08.00, 11.00, **14.00 Сегодня.**
**06:15 Лотерея "Русское лото".**
**06:45 Их нравы.**
**07:25 Едим дома.**
**08:15 Спасатели.**
**08:45 "Quattroruote".**
**09:25 Борьба за собственность.**
**10:00 Дачный** ответ.
**11:20 Петр Вельяминов, Галина Польских в детективе "Ночное происшествие".**
**13:05 Своя игра.**
**14:20** Репортер А. Зиненко. **Лучшие фильмы.**
**15:10 Т/с "Закон и порядок".**
**17:00** Сегодня. Специальный выпуск. Разговор с Президентом России **Дмитрием** Медведевым.
**18:00** Многос/ф "Гончие: Покер на четырех тузах".
**21:50** "Наказание. Русская тюрьма вчера и сегодня".
22:25 Футбольная ночь.
23:00 Х/ф "Код "Энигма".
01:20 Т/с "Закон и порядок".
02:20 Т/с "Класс"
03:10 - 04:00 Т/с "Аэропорт".

### ТВ 3

05:00 Д/ф "Тайны висячих гробниц Китая"
06:00 Мультфильмы
06:30 М/с "Кураж - трусливый пес"
09:00 Д/ф "Тайны висячих гробниц Китая"
10:15 Фильм "Пандемия: смертельный вирус"
12:00 Т/с "Досье детектива Дубровского"
14:00 Д/ф "Кометы. Предвестники"
16:00 Фильм "Звездный десант"
18:00 Д/ф "Городские легенды. Рублевка. Посторонним вход воспрещен"
19:00 Фильм "Всего лишь время"
21:00 Фильм "Порождающая огонь"
23:30 Фильм "Мертвая Зона"
01:30 Спортивный турнир "Покер после полуночи"
03:30 "Комната страха"
04:00 "Релакс"

### DTV

06:00, 03.00 "Клуб детективов"
06:55 "Музыка на ДТВ"
07:00, 13.30 "Чудеса со всего света"
08:00 "Тысяча мелочей"
08:30-11.30 Мультфильмы
11:30 Русский фильм. "В гавань заходили корабли"
14:30 Х/ф "Апокалипсис пришельцев"
16:30, 17.30 Т/с "Любовница (3)"
18:25, 00.30 "Смешнее, чем кролики"
19:00, 19.30 "Брачное чтиво"
20:00 Русский фильм. "Воры в законе"
22:00 Т/с "Стилет (9)"
23:00 Т/с "CSI: Место преступления Нью-Йорк 3"
00:00 "Брачное чтиво. Для взрослых"
01:00 Х/ф "Пять дней до полуночи (2)"
05:00 Т/с"Безумства храбрых"

### СТС

05:00 Х/ф "Фантом".
06:50 Мультфильмы.
07:20 "Смешарики". М/с
07:30 "Леонардо". М/с
08:00 "Том и Джерри". М/с
08:25 Х/ф "У мамы свидание с вампиром".
10:00, 15.00, 15.30, 19.00 "6 кадров".
17:00 Т/с "Папины дочки".
20:00 Х/ф "Трое в каноэ".
21:50 "6 кадров". Комедийный сериал.
23:00 Х/ф "Спасти рядового Райана".
02:10 Х/ф "Конец игры".
03:55 "Зорро. Поколение Зет". М/с
04:15 - 04:30 Музыка на СТС.

Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт // Спорт

## Ибрагимович ўрнига Дрогба



Миланнинг "Интер" футбол жамоаси "Челси"нинг "Златан Ибрагимовични бизга сотинг", деган таклифини кўриб чиқишга тайёрлигини, аммо Златанни сотиш эмас, балки "Челси"нинг ҳужумчиси Дидье Дрогбага алмашиши мумкинлигини баён этди. Якшанба куни Англия ОАВларида берилган хабарларга қараганда "Челси" Ибрагимович учун Рикарду Карвальюни ҳамда Декуни бериб қўшимча равишда 58 миллион евро тўлашга рози экан. Аммо Италиядан олинган маълумотларга қараганда, "Интер" Дрогбани берасизлар деб оёқ тираб турибди.



Италиянинг амалдаги чемпионлари "Челси"нинг янги таклифларини ҳамтинглашга тайёр, аммо ҳаммаси жамоанинг бош мураббийи Жозе Моуриньюга боғлиқ экан. Агар у маъқулламаса, "Интер" ўйинчиларидан биронтасини сотишга жазм қилолмайди.

Душанба куни Ибрагимовичнинг агенти Мино Ранола айттан гапларга қараганда "Челси" дарҳақиқат Златан Ибрагимовични қўлга киритишга қизиқмоқда, аммо ҳозирча Лондондан биронта конкрет таклиф тушгани йўқ. Бундан ташқари, Ибрагимович ҳам Италияни тарк этишга унчалар жон куйдираётгани йўқ. "Интер" бу миш-мишларни ҳозирча шарҳлаган эмас.



## Ромарио панжара ортида

Reuters ахборот агентлигининг хабарига қараганда, Бразилиянинг машҳур футболчиси Ромарио болалари учун алимент тўловларини амалга оширмаганлиги сабабли сешанба куни Рио-де-Жанейрода қўлга олинган. Спортчининг собиқ рафиқаси Моника Сантору талаб қилаётган, тўланмаган алиментларнинг аниқ суммаси хусусида ҳеч нарса дейилмаган. Агентлик маълумотларига кўра, 43 яшар тўпурар адвокатларига ўзининг биринчи никоҳидан бўлган қизи ва ўғлига тўланиши лозим бўлган алиментлар тўғрисида барча маълумотларни тўплашни буюрган. 2004 йилда ҳам Бразилия терма жамоаси ҳужумчисини алимент тўловларини амалга оширмаганлиги сабабли бир неча соат ушлаб туришган, "тез кунларда тўлайман", деган ваъдасини олишгач қўйиб юборишган эдилар. Ромарионинг қамоққа олинганлигини кўрган қўшнилари "у ҳар сафар пул тўлашни шундай чўзиб юради", деган фикрни баён қилишган. Қўшнилар Ромарио қарийб 7 миллион доллар турадиган квартираси учун ҳақ тўламаган, шунинг учун уни полиция қўлга олган, деб ўйлашган экан. 1994 йилда Ромарио жаҳон чемпионатида Бразилия термасининг ғалабасини таъминлади. Ўша йили у турнирнинг энг яхши ўйинчиси ва йилнинг энг яхши футболчиси мақомларини қўлга киритган эди. 2007 йилнинг апрель ойида у ўзининг ҳисоблари бўйича 1000-тўпни киритган, 2008 йилнинг баҳорида эса футболчилик фаолиятига нуқта қўйганлигини эълон қилган.



Эслатиб ўтайлик, 12 июль куни Россия терма жамоасининг собиқ дарвозабони Александр Филимонов ҳам алиментларни тўлашни кечиктирганлиги боис Россиядан учиб чиқиб кета олмади. Собиқ хотинининг 707 минг рубл алиментни тўлаб қўйгани йўқ, деган даъвоси маъмурларнинг уни тўхтатиб қолишларига асос бўлди. Филимонов собиқ хотинининг гаплари қуруқ туҳмат эканлигини, алиментларни ўз вақтида тўлаб қўйганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар уйидаги сейфда сақланаётганлигини баён қилган.

## 11 ЁШЛИ БОЛА ТУРМАДА



Саратов областида суд болалар боғчасига ўғирликка тушган 11 яшар боланинг ишини кўриб чиқди ва уни вояга етмаган ҳуқуқбузарларни вақтинча сақлаш марказига жўнатиш тўғрисида ҳукм чиқарди. 25 июнь куни Саратов область прокуратурасининг матбуот хизмати бу ҳақда хабар қилди. Хабарда айтилишича, шу йил 28 майда бу бола Саратов область Ершовск районининг Чапаевка қишлоғидаги болалар боғчасига дераза форточкаси орқали кириб, ичкаридаги эшикни синдириб, у ердан битта ДВД-плеер, турли ўйинчоқлар ва 1700 рублни ўмариб кетган. Икки кундан кейин ўғривачча яна шу йўл билан боғчага кирганда қоровул уни ушлаб олган. Боланинг оиласи бетайин деб топилган. Бола йигирма кун давомида вояга етмаган ҳуқуқбузарларни вақтинча сақлаш марказида ушлаб турилади.

## ҚОЧОҚ МАЙМУНЛАР



Англиянинг шимолий ғарбида жойлашган ҳайвонот боғида сақланаётган 30 та шимпанзе катакларидан чиқиб кетганлиги сабабли томошабинлар зудлик билан боғдан эвакуация қилинди. Бу воқеа Чешир графлигига қарашли Честер шаҳарчасида содир бўлди. Шаҳарча Ливерпулдан 25 километр узоқликда жойлашган. Хабар қилинишича, ҳайвонлар "Маймунлар ороли"ни тарк этиб, боғнинг улар учун овқат тайёрланадиган қисмига йўл олишган. Маймунлар катаклардаги қулфларни қандай очишгани сирлигича қолмоқда. Қизиғи шундаки, маймунлар йўлда дуч келган одамларга ташламай, тўда бўлиб овқат ҳиди келаётган томонга йўл олишган. Честер ҳайвонот боғида 7 мингдан кўпроқ ҳайвон сақланади. Ҳар йили боққа 1,3 миллиондан кўпроқ томошабин келиб кетади. "Форбес" журналининг ёзишига қараганда, ушбу ҳайвонот боғи дунёнинг энг яхши 15 та ҳайвонот боғларидан бири ҳисобланади.

## ЭГАСИНИ ТОПГАН КАРТМОН

Нью-Йоркнинг марказий боғида бундан 27 йил аввал эгасининг чўнтагидан ўмариб кетилган картмон топилди. Боғ хизматчиси олча дарахти танасидаги ёриққа картмон тиқиб қўйилганини кўриб қолган ва полицияга хабар қилган.Полициячилар картмоннинг эгаси 69 ёшли Рут Бендикни ахтариб топишди. Бунга картмондаги ҳужжатлар қўл келди. Бендик момонинг айтишича, картмондаги барча нарсалар ўз жойида, фақат битта йигирма долларлик купюра йўқ экан.

# ХУФЁНА ИШ — КОНИ ЗАРАР

Бошқармамиз ходимлари солиқ ва валютага оид жиноятлар, хуфёна даромадларни легаллаштириб олишга уринишларнинг пайини қирқиб, тезкор-қидирув, таҳлилий тадбирларда жиноий қилмишларни фош этиш билан бирга ғайриқонуний орттирилган даромадларнинг давлат ғазнасига қайтарилишини таъминлашмоқда.

Олти ой мобайнида ўтказилган тадбирларда 222 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Ғайриқонуний фаолият юритган шахслар жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Бюджетга 6,1 миллиард сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, ундириш чоралари кўрилди.

Шу жумладан, 79 та ҳолатда "ишбилармон"лар даромадларини камайтириб кўрсатиб, солиқларни тўлашдан бўйин товлашган. Уларга салкам 2,5 млрд. сўм қўшимча солиқ ҳисобланди. Хусусан, "Юксак саноат савдо" МЧЖ раҳбари З.Гавсутдинов бош ҳисобчи Т.Миниязов билан жиноий тил бириктириб, 2008 йил якуни бўйича ҳисоботда солиқ солиш манбаини камайтириб кўрсатиш "йўли" билан 58,9 млн. сўм солиқ ва бошқа тўловларни тўламаган. Фаолиятини ихтиёрий тугатаётган жамиятда якуний текшириш ўтказган Янгиқўрғон тумани ДСИнинг шўъбаси бошлиғи И.Мамасиддиқов ва катта инспектори С.Исломовлар "ишбилармон"ларнинг ноғорасига ўйнаб, ҳисоботда товар айланмаси 1 млрд. 562 млн. сўм ўрнига 46,1 млн. сўмга камайтириб кўрсатилганига кўз юмишган. Давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказган МЧЖ раҳбарлари ва ДСИ ходимларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш борасида ўтказилган таҳлилий тадбирлар натижасида Б.Исомиддинов, Ф.Жабборов ва Д.Жабборовларнинг "фаолият"ларига чек қўйилиб, жиноий жавобгарликка тортилишди. Улар бир нечта фирмани ташкил қилиб, савдо-сотиқ билан шуғулланишган. Истеъмол товарларини улгуржи сотиш ўрнига нақдига пуллаб, 5 млрд. сўм нақд пулни банкдан ташқари "айлантиришган". ДСИга топширган ҳисоботларида товар айланмасини камайтириб кўрсатиш йўли билан жами 614,4 млн. сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қасддан тўлашмаган. Ўзлари ташкил эттан янги юридик шахсларнинг устав жамғармаларини шакллантириш, молиявий ёрдам ёки пай бадали киритиш "усули"ни қўллаб, жиноий йўл билан топилган 910 млн. сўм айланма маблағларини легаллаштириб олишган.

Таҳлилий-тезкор тадбирлар воситасида ҳамда фуқароларнинг мурожаатлари асосида коррупция ва порахўрлик жиноятлари ҳам фош этилди. Софдиллик борасида ибрат кўрсатиши лозим бўлган "Холис хизмат" деб аталмиш ҳаж ва умра маркази директори М.Эгамбердиевнинг "холис хизмати" ҳаммасидан ўтиб тушди. У фуқаро И.Сатторовни ҳаж сафарига юборишга ёрдам кўрсатишни ваъда қилиб, 1200 АҚШ долларини пора тариқасида олаётганида ушланди.

Иш ҳақи ҳамда нафақа пулларининг ўз вақтида тўлаб борилиши борасидаги тезкор-таҳлиллар ва қидирувлар натижасида 7 та ҳолатда салкам 11 млн. сўм ўзлаштирилиб, талон-тарож қилингани аниқланди. Чунончи, Мингбулоқ туманидаги Жомашуй МФЙ котибаси М.Матхолиқованинг "ҳотамтойлиги" туфайли 2008 йил ва 2009 йилнинг ўтган даврида 16 нафар фуқарога 2 млн. 645 минг сўм миқдорида ноқонуний нафақа тайинланиб, тўланган. Котиба ўзининг оилавий даромади миқдорини ҳам озайтириб кўрсатиб, 153,6 минг сўм нафақа пулларини олиб, ўзлаштирган.

Валютанинг ноқонуний муомаласига барҳам бериш мақсадида Мингбулоқ туманида ўтказилган тадбирда фуқаро М.Қосимов 3000 АҚШ долларини 5,1 млн. сўмга сотиб олаётганида ушланди. Юқоридаги каби чет эл валютасини ноқонуний муомалага киритишдан иборат 13 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, "валютафурушлар" жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Улардан 14880 АҚШ доллари, 38500 Россия рубли, 1700 қозоқ тенгаси ҳамда 29,3 млн. сўм ашёвий далил сифатида олинди.

Хуфёна иқтисодиёт манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги тадбирларда 30 та яширин ишлаб чиқариш цехларининг "фаолият"ига чек қўйилди. Инсон ҳаётига хавф туғдирувчи, соғлиғига зарар етказувчи бундай "кўлбола маҳсулотлар"ни тайёрлаш ва сотишнинг олдини олишда қисқа муддатли текширишлар ҳам қўл келмоқда. Наманган шаҳридаги "Табаррук саховати" МЧЖга қарашли савдо дўконида ўтказилган текширишда 508 та шишада 89 хилдаги 2 млн. 105 минг сўмлик спиртли ичимликлар тегишли ҳужжатларсиз сотувга чиқарилгани аниқланди. Мутахассисларнинг хулосаларига кўра, 143 та шишадаги спиртли ичимлик кўлбола усулда тайёрланган, 365 шишадаги алкоголли маҳсулотларнинг эса яроқлилик муддати ўтган бўлиб, стандарт талабларига жавоб бермайди. Ана шундай 18 та ҳолатда спиртли ичимликларнинг ноқонуний савдосига барҳам берилди. 22 млн. сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилиб, "савдогар"лар жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилди.

Истиқлол йиллари қабул қилинган тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлари барча соҳаларда эркин фаолият юритиш имкониятини яратиб берди. Ҳуқуқ ва мажбуриятларига бирдай риоя этаётган, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни узлуксиз тўлаб бораётган фуқаролар, тадбиркорлар орттирган сармояларини ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтиришга сарфлаб, давлат ва жамиятга фойда келтиришяпти.

**Асқархон МАМАТХАНОВ,**
**СВОЖЖДЛҚК**
**департаментининг Наманган**
**вилоят бошқармаси бошлиғи**
**вазифасини бажарувчи**

*Президентимизнинг "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари" тўғрисидаги қарори тадбиркорларга яна бир қатор қулай имкониятларни ҳавола этди. Бироқ айрим идораларнинг масъул ходимлари қарор талабларига зид иш кўрган ҳолатлар ҳам афсуски учраб турибди. Хусусан, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида июнь ойи мобайнида бир неча хусусий корхоналар ҳамда масъулияти чекланган жамиятларни давлат рўйхатига олиш жараёнида энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробари миқдорида давлат божи ундирилган. Ваҳоланки, юқоридаги қарорда 2009 йилнинг 1 июнидан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида бож ҳақи олиниши қайд этилган.*

# ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ

Инспекциянинг бош мутахассиси О.Дадабоевнинг айби билан жами 9 та рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектларидан 252 минг сўмдан зиёд ортиқча бож ҳақи олинган. Қонунбузилишига йўл қўйган бош мутахассис маъмурий жавобгарликка тортилди.

Ушбу соҳага тааллуқли қонунлар ижроси бўйича ўтказилган таҳлиллар асосида тадбиркорларнинг манфаатларини кўзлаб ноқонуний қарорларни бекор қилиш учун 6 та протест келтирилди. 5 нафар тадбиркорга 50 млн. 550 минг сўм ҳақлари ундириб берилди. 4 нафар тадбиркорга банклардан 440 млн. сўм кредит олиб берилди. 3 нафарига эса савдо билан шуғулланиши учун ер майдонлари ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Адолатли жамиятимизда фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари кафолатланган. Меҳнат қонунчилигига биноан иш берувчилар молиявий аҳволидан қатъи назар ойига икки маротаба ходимларга иш ҳақларини тўлаб боришлари шарт. Шу йил биринчи ярмида ушбу қонун талабларига риоя қилмаган 40 нафар мансабдор шахс маъмурий, моддий ва интизомий жавобгарликка тортилди. 1 нафар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. 339,7 млн. сўм иш ҳақини ундириш юзасидан судларга 17 та даъво аризаси киритилди.

Айрим ҳолларда солиқ ходимлари хўжалик юритувчи субъектларнинг пулларни нақдлаштириш ва солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлашларига шароит яратиб беришгани аниқланди.

Чунончи, "Мухтасар савдо саноат" МЧЖ раиси С.Ниязов вилоят Давлат солиқ бошқармаси шўъбасининг раиси Б.Бабаев билан ўзаро жиноий тил бириктириб, "Микрокредитбанк" Чортоқ филиалидаги ҳисоб рақамига 20 млн. сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзини ундириш мақсадида қўйилган инкасса талабномасини ижросиз қайтариш ҳақидаги хатни тайёрлаган. Унга шаҳар ДСИ бошлиғининг номидан сохта имзо чеккан. Банкка топширган ушбу хат асосида инкассо талабномаси қайтиб олинганидан фойдаланиб, ҳисоб рақамига келиб тушган 10,6 млн. сўм пул маблағини турли маҳсулотларни сотиб олиш учун бошқа тадбиркорларнинг ҳисоб рақамларига ўтказилишига эришган. МЧЖ раиси ва унга "ҳомий"лик қилган ДСБ шўъбаси бошлиғига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шаҳар прокуратураси қонунийликни мустаҳкамлаш борасида фаол иш юритяпти. Барча соҳаларда қонунлар, ҳукумат қарорлари ижросини таҳлил қилиб аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш чора-тадбирларини кўряпти. Шу йил биринчи ярмида ўтказилган текширишларнинг натижасига кўра 840 тадан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Мансабдор шахсларнинг 39 та ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжатлари протестлар асосида бекор қилинди ёки ўзгартирилиб, қонунга мувофиқлаштирилди. 31 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди. Етказилган зарарнинг 8,1 млн. сўми айбдор шахслар томонидан ихтиёрий тўланиши таъминланди.

Истиқлол йилларида қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари фуқаролик жамиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратди. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириб, фуқароларга муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш прокуратура органларининг энг муҳим вазифаларидандир.

**Бахтиёр ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Наманган шаҳар прокурори**



**Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Раҳимов ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳамда тадбиркорлар билан учрашув пайтида.**

# АМАЛИЙ ЁРДАМ

**Истиқлол йиллари қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари фуқаролик жамиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратди. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириб, фуқароларга муносиб турмуш шароитларини яратиш мақсадида қабул қилинган қонунларнинг ижросини таъминлаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш энг муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.**

Ўтган олти ой мобайнида қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси таҳлил қилиниб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун 19 та тақдимномалар киритилди. 86 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди. 33 нафар шахсга интизомий, 123 нафарига маъмурий ва 20 нафар шахсга нисбатан моддий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Айбдорлардан жами 61,6 млн. сўмлик моддий зарарларни ундириш хусусида судга 14 та даъво аризалари киритилди.

Туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари 3 та ҳолатда минерал ўғитларни олиб-сотиш, талон-тарож қилиш жиноятларини фош этишди. У.Муроталиев "Газ-53" русумли юк машинасининг нотаниш ҳайдовчисидан ҳар қопини 16 минг сўмдан, умумий қиймати 1,1 млн. сўмлик 69 қопдаги селитра ўғитини сотиб олгани аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинди. Ғова қишлоғининг Гулистон маҳалласида яшовчи К.Ташматов, Ғ.Саримсақовлар ҳам минерал ўғитларни олиб-сотишга урингандари учун жиноий жавобгарликка тортилишди.

Қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Кўплаб фермер хўжаликлари тупроқ унумдорлигини, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, агротехника қоидаларига қатъий амал қилиш эвазига кўзлаган ҳосилларини етиштиришяпти. Туманимизнинг аксарият фермер хўжаликлари бу йил бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштиришди. Зиммаларига олган шартнома мажбуриятларини ортиғи билан адо этишди. Давлат омборларига 31680 тонна ёки режалаштирилганига нисбатан 2880 тонна кўп ғалла етказиб беришди. Прокуратура аралашуви билан шартнома шартларини бажаришдан бўйин товлашга уринган 52 та фермер хўжаликлари 547,3 тонна дон топширишди.

Туман прокуратураси қонунларга амал қилиб иш юритаётган фермер хўжаликларига керакли ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатяпти. Чунончи, "Оллоёр Бобомурод", "Ҳабабжон Зияев", "Шодмонали ҳожи", "Маликабону Аҳмедова", "Шариф Халил", "Аброр-Аҳрор-Асрор", "Олмос Арикбўйи" фермер хўжаликларига ҳайдов тракторлари олиб берилди. "Соттибек", "Байдулло-Абдураҳим", "Раҳмонжон ота", "Дастархан" фермер хўжаликларининг эса ғаллани озиқлантириш борасидаги муаммолари ҳал қилинди. "Йўлдош бобо домла" фермер хўжалигидан олиб қўйилган 9,58 гектар ер майдонини эгасига қайтаришда ҳуқуқий ёрдам берилди.

Сув танқис бўлган вазиятда экинларнинг меъёрида суғорилишини ташкил этиш мақсадида ишчи гуруҳи тузилди. Ўтказилган мониторингларда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилди. Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни туман прокуратурасида Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг раислари, масъул идораларнинг раҳбарлари, ишчи гуруҳининг аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, бажарилган ишлар, муаммолар муҳокама қилинмоқда. Уларни ҳал қилиш тадбирлари белгиланмоқда.

**Муҳаммадихон ЖЎРАЕВ,**
**Чуст туман прокурори**

**Саҳифа материалларини «Huquq» мухбири Исроил ИБРОҲИМОВ тайёрлади**

# ҚОТИЛ ЁЛЛАГАН АЁЛЛАР

***Ўн беш кунлик тўлин ойни кўриб завқланмаган ким бор? Айниқса, ота-оналар қизларини ойга менгзайдилар. Қаҳрамонимиз Тиниқойга Ойсара опа исм қўйганда ана шундай ният билан ёндошган эди. Афсуски, Тиниқой онанинг орзу-ҳавасини поймол этиб, уни ҳам қотилликка шерик қилди, ўз жигаргўшалари ўзининг туғишган акаси, онасининг тўнғич фарзандини қотил ёллаб ўлдирдилар.***

Қинғир-Ургутнинг тоғ этакларида жойлашган сўлим қишлоқ. Отажон Яздонов ана шу гўшада улғайди. У оиладаги фарзандларнинг тўнғичи эди. Ойсара опа эридан эртароқ ажралди. 5 нафар қиз ва иккита ўғил унинг тарбиясида қолди. Худога шукр, 3 қизини уйли-жойли қилди, катта ўғли Отажонни уйлантирди. Отажон тўнғич бўлгани ёки отасидан эрта ажралгани учунми, бироз эркароқ ўсди, яхши хулқ-одоб билан тарбияланмади. Ароқ ичиш, натижада уйда тинимсиз жанжал, онаси, сингиллари, хотинини уриш ва сўкиш унинг одатига айланди. Бу машмашаларга чидай олмаган хотини Сунбула тез-тез, отасиникига аразлаб кетадиган бўлди. Онаси эса ҳовлини ташлаб, уч фарзандини олиб, Самарқанд шаҳрига — қизи Надоматникига яшашга келди.

2008 йил ноябрь ойининг сўнги кунлари. Отажон Яздонов ҳовлида ёлғиз яшарди. 29 ноябрь куни соат 14:00 лар атрофида бобосининг ўғли Муродилла уларнинг ҳовлисига кирган эчкиларини қайтариш учун бориб, даҳшатли фожианинг устидан чиқди. Амакиси Отажон Яздонов айвонда қип-қизил қонга бўялганча ўлиб ётарди. У кўрган воқеасини тезда онаси Рўзибувига етказди. Ҳаял ўтмай ҳовлига қўни-қўшнилар тўпланишди, милиция бўлимига хабар берилди.

Тайлоқ тумани суд-тиббий экспертизаси О.Яздоновнинг жасадини текширувдан ўтказди. Марҳумнинг танасида 26 та жароҳат изи топилди. Улар асосан кўкрак қафасининг чап қисмида пичоқ ёки учи ўткир қуролнинг санчилиш оқибатида содир бўлган эди. Отажонни ким ўлдирди? Гумонлар унинг юриш-туриши, ахлоқ-одобига бориб тақалди. У оила аъзолари ва хотини билан келишмас, уларга жабр-ситам ўтказган эди. Улардан бири қасдини олиш учун қотилликка қўл урган бўлиши мумкин...

* * *

Тиниқойнинг эри Алимардон бир жиноятта қўл урди-ю, қамалиб кетди. Тиниқой эри қамокдан қайтгунича ўз уйида яшаб туриш учун лаш-лўшини йиғиштириб, онасининг ёнига келди. Лекин уни акаси Отажон сиғдирмади. Уриб-сўкиб, ҳақорат қилиб туриши етмаганидек, бир куни ҳовлида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб гулдай синглисининг номусига тажовуз қилди.

— Бу кунингдан ўлганинг яхши, — Тиниқой орияти кучлилик қилиб, уйни бузгудек овоз билан йиғлабсиқтади. — Сенга аталган бало ҳам бордир.

У ҳовлидан отилиб чиқди. Тўғри эрининг синглиси Озоданинг олдига келди. Озоданинг эри Қаҳрамон Жалилов Ургутнинг Қайроқли қишлоғидан бўлиб, оиласи билан вақтинча Самарқанд туманидаги Қорасув қишлоғида яшар эди. Тиниқой қайнопасига укаси Отажоннинг қилиғини кўз ёши билан айтиб берди. Шу пайт уйга Қаҳрамон кириб келди. Унинг кайфи анча баланд эди. У Тиниқойнинг йиғлаётганлигини кўриб, ундан ҳол-аҳвол сўради.

— Мен савобга қўл урадиган одамни ахтариб келдим, — деди Тиниқой кўз ёшини тўхтатолмай.

— Га-пин-гизга тушунолмадим? — деди Қаҳрамон ўзини тўшакка ташлар экан.

Озода эрига Тиниқой билан акаси Отажон ўртасида бўлиб ўтган можарони айтиб берди. Қаҳрамон кайфининг зўрлигидан кўзини юмиб, гоҳ аранг очиб, унинг сўзини эшитиб-эшитмай "Ҳи-мм", "Ҳи-мм" деб турди. Шу пайт Тиниқой муддаога ўтди.

— Уни ўлдиришим керак, ўч олишим керак!

— Бу-у са-а-воб и-и-шни б-и-из бажара-ми-з-да-а? — Қаҳрамон тиржайганича шу сўзларни айтди-ю, уйқуга кетди.

Тиниқой ушбу суҳбатдан сўнг шаҳарга онасининг ёнига йўл олди. Унга бутун ҳасратларини тўкиб-сочди. Акасидан ўч олишга аҳд қилгани, поччаси Қаҳрамон билан бу ишни бажаришга келишганлигини айтди. Ойсара опа ёш эмас эди, қирқ тўққизни қоралаб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган эди. Қизининг ёнаётган тафтини бироз бўлса-да ўчиришга ҳаракат қилмади. Аксинча, оловланган қизини кувватлади. Отажон ҳар қанча беадаб йигит бўлса-да, унга нисбатан оналик меҳрини сақлай олмади. Қалби тош-метинга айланиб, Тиниқойнинг жирканч ниятини маъқуллади.

— Тўғри қиласан, — деди Ойсара опа. — Ундан қутулсак ҳовлимизга бориб, эркин яшай оламиз.

— Мен ҳам шуни ўйлаяпман, — деди Тиниқой. — Агар поччам ишни ўйлаганимиздек бажариб берса, уни рози қилишимиз керак.

— Минг доллар сақлаб юрганим бор, майли, шуни бераман.

Эртаси куни — 2008 йилнинг 28 ноябрида соат тахминан ўн иккиларда Тиниқой онасини эргаштириб, Қаҳрамоннинг ҳузурига келди. Улар ёлғиз қолишди.

— Почча, — деди Тиниқой мулойим оҳангда. — Кеча берган ваъдангизни оқлайсиз деб келдик.

— Қанақа ваъда? — Қаҳрамон бироз жиддий тортди.

Тиниқой кечаги суҳбатининг мазмунини тушунтирди.

— Бе-е, — деди Қаҳрамон хижолат оҳангида — У мастликда айтилган гап-да!

— Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмайди, деганлар, — гапга аралашди Ойсара опа. — Ими-жимида ҳал қилиб берсангиз, атаганимиз бор.

— Албатта, қуруққа эмас, — Тиниқой онасининг сўзига аниқлик киритди. — АҚШ долларидан минг берамиз. Ўйлаб кўринг, телефон рақамимни қолдираман, натижасини айтарсиз.



Она-бола орқасига қайтди. Ишнинг ҳал бўлишига ажратилган "мукофот"ни эшитиб Қаҳрамоннинг чиройи очилиб кетди. У шу пайтгача аниқ бир ишнинг этагини тутмаган, ҳар замонда Қозоғистонга бориб ишлаб, рўзғор тирикчилигига у-бу нарса топиб келарди. Минг доллар! Ишни хамирдан қил суғургандай ҳал қилса, қозоққа боришга ҳам ҳожат қолмайди. У ҳеч иккиланмасдан қотилликни бажаришга киришадиган бўлди. Тиниқойнинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, Регистон майдонида учрашишга ваъдалашди. Уникига амакисининг ўғли Умид Жалилов ҳам келиб-кетиб турарди. Меҳмондорчиликка жўнайдиган одамдек юзлари порлаб, унга мурожаат этди.

— Умид! — деди у костюмини елкасига ташлар экан. — Оёғимдаги ботинкамнинг ҳам шалтоғи чиқиб қолибди, меникини кийиб турда, кросовкангни менга бер, бир шаҳарни айланиб келай. Ҳа, айтгандай, бугун келмаслигим мумкин, уйда ёт, холангнинг бир ўзи қўрқади.

Ўша куни Тиниқой ва Қаҳрамон Регистон майдонида келишилган жойда учрашдилар. Тиниқой унга 500 АҚШ долларини чиқариб берди, қолганини иш ҳал бўлгач узишга ваъда берди. Қаҳрамон атрофга қоронғу тушганида, таксига ўтириб Ургутга равона бўлди. Сомон бозори яқинидаги ошхонада роса мириқиб ўтирди, ароқ ичиб, кайфини анча оширди. Қўлига 2 та ароқни олиб, шерюраклик билан ярим тунда Қинғир қишлоғига кириб келди. Ниятини қаранг, Отажон уйида ёлғиз экан, хотини отасиникига аразлаб кеттанига анча кун бўлибди. Отажон уйда борини дастурхонга чиқариб қўйди. Улар ароқни майдалаб алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди. Қаҳрамоннинг меҳри ийиб қолди. Бу уйга нима мақсадда ярим кечаси келганлигини оғзидан гуллаб қўйди:

— Отажон, сени мен ўзимга укамдай яқин тутаман, — ўзини доно одам қиёфасига солди Қаҳрамон. — Биламан, ишсиз юрибсан, кел Қозоғистонга кетамиз, бирга ишлаб бир мунча пул топиб қайтамиз.

— Бегона юртларга боришга тоқатим йўқ, — деди Отажон унинг таклифини чўрт кесиб. — Қишлоққа ўрганиб қолганман.

— Қишлоқнинг нимаси яхши, эшитишимча, яқин кишиларинг — онанг ҳам, сингилларинг ҳам сендан безишган.

— Ҳеч қачон! — деди Отажон асабий бир ҳолатда. — Мен уларни жонимдан ортиқ яхши кўраман.

— Ўзингни гўлликка солма, — деди Қаҳрамон ва фикрининг тўғрилигини исботлашга киришди. — Уларни урармишсан, сўкармишсан...

— Оилада ҳар нарса бўлади, — деди мулойим оҳангда Отажон.

— Тўғрисини айтсам, — Қаҳрамон бироз жим қолиб, сўнгра сўзида давом этди. — Онанг билан синглинг Тиниқой менга 500 АҚШ долларини тутқазиб, сени ўлдириб беришни сўрашди.

— Нима! — Отажон беўхшов қичқириқ қилди. — Ўлдиришни!

— Қўрқма! — деди Қаҳрамон уни тинчлантириш учун. — Мен бу ишни қилмайман. Яхшиси, эртага мен билан Қозоққа юр, берган пулларини еб-ичиб, ўйнаб келамиз.

Орага жимлик тушди. Қаҳрамон ўрнидан туриб, хонага тоза ҳаво киришини мақсад қилиб, деразани оча бошлади. Тунги меҳмон ўзини ўлдириш учун жўнатилганлигини эшитган Отажон беихтиёр ўрнидан турди-ю, чангалини унинг бўйнига солиб, бўға бошлади. Қаҳрамон мезбоннинг қўлларини бўйнидан ажратишга кучи етди, уни елкаси билан итариб юборди. Отажон ағанаб тушди. Қаҳрамон дераза токчасида қайчи турганини кўриб қолди, уни қўлига олар экан, жаҳл билан Отажонга ёпишди. Уни тагига босиб олиб, аввал юрак ва ўпка қисмлари атрофига қайчини учи билан ура бошлади. Отажон жон талвасасида ўрнидан турар экан, Қаҳрамон уни деразадан ташқарига итариб юборди. Ҳолсизланган гавда ерга йиқилди. Қаҳрамон қотиллик режаси тамоман амалга ошганлигига ишонмай қон сачраган қўлларидаги қайчини Отажоннинг бўйин қисмига уч-тўрт марта зарб билан бор бўйича санчди.

Қотиллик ниҳоясига етганида тонг ҳам анча бўзариб қолган эди. Нурлари хиралашган ой ҳам куз шамолларида ўйнаб турган булутларнинг қуйнига яширинишга уринарди. Қаҳрамон гўшт ўғирлаган мушукдай хавотирга тушиб, Самарқанд йўлига чиқди. Тез орада ўтган машинага илашиб олар экан, Регистон майдонига келиб тушди. Келишилганидек қўл телефони билан Тиниқойга қўнғироқ қилди.

— Иш битди, тезда Регистонга етиб кел!

Афтидан, Тиниқой ҳам натижани мижжа қоқмай кутиб ўтирган экан, шекилли, биринчи қўнғироққаёқ жавоб берди ва ҳаял ўтмай етиб келди. Тиниқой акасининг ўлганига унча ишонқирамади, Қаҳрамондан воқеа қандай кечганлигини суриштирди. Қотил унга ҳали ювишга улгурмаган қўлларини кўрсатди. Унинг панжалари ва тирноқ ораларида қон излари қотиб қолган эди. Тиниқой ваъдасининг устидан чиқди, савдолашган "мукофот"нинг қолган қисмини ҳам берди. Лекин Қаҳрамоннинг олдига сўнги шартини қўйди.

— Мана бунга, — у телефон рақами ёзилган қоғозни тутқазди, — ҳозир қўнғироқ қиласиз ва ушбу қарз гапни айтасиз: "Бойваччангнинг аҳволини кўр, қарта ўйини мана бундай бўлади".

Қаҳрамон бу телефон рақами кимники ва ким билан гаплашаётганлигини сўраб ўтирмади, Тиниқойдан ҳам суриштирмади. Лекин ўзининг телефон рақамларини эҳтиёт қилди, ундан фойдаланмади. Улар бекатдаги "Пайнет"га ўтишди. Қаҳрамон бу жойдаги телефон орқали Тиниқойнинг шартини бажарди. Улар "туя кўрдингми; йўқ" қабилида иш тутиб, шу ерда хайрлашдилар. Қаҳрамон бекатдаги машиналардан бирига ўтириб, яна тўғри Ургутга йўл олди. Бозорга кириб, ўзига янги уст-бош, 2 та крассовка харид қилди ҳамда ошхоналардан бирига кириб, қорнини тўқлаб, яна Самарқанд шаҳрига қайтди.

Қаҳрамоннинг бозорлигини кўриб, хотини Озода уни терғаб қолди.

— Кеча пулим йўқ, деб юргандингиз, бугун янги кийимлар олибсиз?!

— Ҳа! — деди Қаҳрамон сир бой бермай. — Яна қозоққа кетмоқчиман. Қишлоққа тушиб, бир оғайнимдан бироз қарз олдим, қозоққа борганимда тезда жўнатиш шарти билан.

Амакисининг овозини эшитиб, ички хонадан Умид чиқиб келди. Қаҳрамон унга валломатлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди.

— Сеники ҳам эскириб қолган экан, — кеча қарзга кийиб кетган крассовкани назарда тутди. — Янгисини келтирдим, маза қилиб киясан.

Қаҳрамон ички уйга кириб, амакисининг ўғли билан паст оҳангда гаплашди. Уйни супур-сидир қилиб юрган Озода уларнинг сўзларини унчалик эшитмади, лекин Қаҳрамон "жим" деган маънода оғзига кафтини олиб борганини кўриб қолди. Аммо хаёлидан ҳеч бир шубҳа ёки гумон ўтмади. 2 декабрь куни у Олма-отага жўнаб кетди. Қаҳрамоннинг мардикорлиги узоққа чўзилмади, 25 декабрда Қозоғистон ички ишлар ходимлари уни ушлаб, Самарқандга жўнатиб юбордилар. Бу пайтда Ойсара хола ва унинг қизи Тиниқойлар қамоққа олинган эди.

Самарқанд вилоят суди бир оила атрофида содир бўлган фожиали жиноят ишини кўриб чиқди. Отасидан қолган уйни тортиб олиш ҳирси билан акасини ўлдиришга қотил ёллаган Тиниқой Яздоновага ўн беш йил қамоқ жазоси берилди. Отаси ҳам аввалроқ қамалган ёш қизи етим қолди. Қаҳрамон Жалилов муқаддам судланган эди. У 1999 йилда Жиноят кодексининг 169-моддаси 3 қисмининг "б,г" бандлари билан 5 йил-у 6 ойга озодликдан маҳрум этилган эди. Қотилга ўн саккиз йил қамоқ жазоси белгиланди.

Суд ҳайъати Отажоннинг онаси Ойсара Облоқуловага нисбатан жазо тайинлашда унинг шахсини, яъни аёл киши эканлиги, ёши, 7 нафар фарзанд ўстиргани, турмуш ўртоғи вафот этгани, оилада ягона боқувчи эканлиги, аввал судланмаганлигини инобатга олиш ва жазони енгиллаштириш масаласини ҳам қўйди. Лекин видеотасмага ёзилган унинг терговжараёнидаги қуйидаги сўзлари суд залида ўтирганларнинг вужудини алангалатиб юборди, одамларнинг бағритош онага нисбатан нафратини оширди:

"Мен қизим Надоматнинг ҳовлисида яшардим. Тиниқой келиб, мени ҳовлининг ҳеч ким йўқ жойига чақириб: "Қайнопамнинг эри Қаҳрамон поччам билан гаплашдим. Агар рози бўлсак, акамни ўлдириб берар экан", — деди. Менга ҳам бу режа маъқул тушди. Отажон бизга азоб берганлиги учун менда ҳам ундан қутулиш режаси бор эди. Мен қизим Тиниқойга "Бу иш пул билан амалга ошадими?", — дедим. "Агар минг АҚШ доллари берсангиз, шу ишни қилар экан", — деди Тиниқой. Мен бу таклифга рози бўлдим".

Суд марҳумнинг онаси О.Облоқуловага ўн уч йил қамоқ жазосини берди. Қотил Қаҳрамоннинг қариндоши Умид Жалилов жиноят содир бўлганлигини била туриб, уни яширганликда айбланди ва унга икки йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.

Шундай қилиб, ёлланган қотиллик бир неча оиланинг тинч ҳаётини бузди: Отажоннинг хотини бева қолди. Қаҳрамоннинг икки фарзанди эса ота меҳрига зор бўлди. Тиниқойнинг ота меҳрига тўймаган ёлғиз қизи она меҳридан ҳам мосуво бўлди. Ойсара опанинг отадан етим қолган, балоғатта етмаган уч фарзандининг бошини силайдиган бир меҳрибон қўл йўқ энди...

**Исматилла ЙЎЛДОШЕВ,**
**Самарқанд вилоят прокурори катта ёрдамчиси**



# ОНА-БОЛА ОДАМФУРУШЛАР

*Илмира (исм-шарифлар ўзгартирилди)* Қозоғистонга ишлашга отланганда, онаси Диана қаршилик қилмади. У Олмаотада узоқ қариндошининг уйида яшаб юриб, ўша ерда фоҳишабозликни ўзига касб қилиб олган Дамира билан танишди...

Илмира ҳар гал уйига пул билан қайтадиган бўлди. Ва танасини сотиб пул топаётганини онасидан яшириб ўтирмади. Аммо, она вояга етмай туриб пул топишнинг жирканч йўлига кириб улгурган қизини нопок йўлдан қайтаришга ҳаракат ҳам қилмади. Аксинча, ишлаб пул топишга қизиққан яна бир қизнинг ҳаёти барбод бўлишида ҳам иштирокчи, ҳам томошабин бўлди.

Нигора ҳам Илмира яшайдиган кўпқаватли уйда яшар эди. У ҳам ўзига дурустроқ маошли иш қидираётганди. Бир куни йўлакда Илмирани учратиб, Қозоғистонда нима иш қилаётганини сўради.

— Официантка бўлиб ишлайман, — жавоб қилди Илмира. — Бошқа нима иш ҳам қилардим. Юриш-туриши ва кийинишидаги ўзгаришлар Илмиранинг даромади чакки эмаслигини кўрсатиб турарди.

— Менга ҳам иш топилармикан? — сўради Нигора.

— Сўраб кўришим керак, уйимизга чиқсанг гаплашамиз, — Илмира шундай дея бурилиб кетди.

Нигора Илмиранинг уйига чиқиб она-болага мақсадини айтди. Диана Нигоранинг қўлидан нима иш келишини суриштирган бўлиб сўради: — Оғир ишларни ҳам бажаравересанми?

— Агар яхши тўласа, ишлайвераман, — деди Нигора.

Онаси Илмира официантлик қилиб яхши даромад топишига Нигорани ҳам, унинг онасини ҳам ишонтирди. Илмира икки кундан сўнг Қозоғистонга жўнамоқчилигини, Нигорани ҳам бирга олиб кетиши мумкинлигини айтди. Белгиланган куни Илмира ҳомиладорлиги сабаб кета олмаслигини, лекин Нигорани кузатиб юборишни айтди: — Ишончли одам бор, сени ўзи билан бирга олиб кетади.

Йўл тайёргарлигини кўриб қўйган Нигора рози бўлди. Улар Ноила исмли аёл билан учрашдилар. Илмира ва Ноиланинг шубҳали гап-сўзлари ҳам Нигорани йўлдан қайтаролмади. Ноила Нигорани олиб, Тошкент шаҳрига, у ердан Қозоғистонга жўнади.

Сайрамда уларни ўрта ёшли қозоқ киши кутиб олиб, таксида беш қаватли уйнинг хоналаридан бирига келтирди. Эшикни Дамира очди. Ноила уларни Илмира юборганини айтгач, ичкарига таклиф қилди. Нигорани ётоқхонага киритиб юбораркан: "Бугун дамингни ол, эртага ишга чиқасан" деди. Ичкарида ўн-ўн беш нафар қизларни кўриб Нигора ҳайрон бўлди. Улардан нима учун бу ердаликларини сўради. Қизлардан бири "янгимисан" деб сўради.

— Ҳа, бу ерга биринчи келишим, — деди Нигора, — официантка бўлиб ишламоқчиман.

Қизлар Нигоранинг алданганини, бу уйдагилар фоҳишалик билан шуғулланишини, энди у ҳам шунга мажбурлигини айтишди. Нигоранинг бўғзига нимадир тиқилди. Қизларга ишонқирамай, бу ерда қололмаслигини Дамирага тушунтирмоқчи ва шу заҳотиёқ чиқиб кетмоқчи бўлди. Лекин хона сиртидан қулфланганди.

Қизлар Дамира билан гаплашиш бефойдалигини, унга бўйсунмаса жазоланишини тушунтиришди. Қаршилик қилганларни бир неча кун оч қўйиб, не кўйга солганини гапириб беришди. Нигора алданганига ҳалиям ишонгиси келмасди.

Эртасига Настя исмли бир аёл келиб, Нигора ва яна икки қизни олиб кетди. Қизлар саунадаги эркаклар учун хизмат қилишлари керак эди... Дурустроқ пул топиш ниятида Қозоғистонга келган эди-ю, бегона юртларда бунчалар хор-зор бўламан, деб ўйламаганди. Қочиб кетишнинг эса иложи йўқ эди...

Онаси Нигорани бегона юртга юбориб қўйиб, қизи қўнғироқ қилавермагач, ўзини қўярга жой тополмай ваҳимага тушди. Кўнгли нохушликни сезаётгандек тинчлик бермасди. У Диананинг олдига чиқиб, қизини топиб беришни талаб қилди. Сўнг прокуратурага ариза ёзди. Илмира билан онаси бундан хавотирга тушиб, Нигорани Қозоғистондан Диананинг ўзи бориб олиб келди.

Жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар судининг ҳукмига кўра одам савдоси билан шуғулланган, бу ишга вояга етмаган фарзандини ҳам жалб этган Диана ва унинг қизи Илмира қонуний жазосини олишди.

Айбдорлар-ку, тегишли жазосини олишди. Лекин масаланинг бошқа жиҳатлари кишини ўйга толдиради. Нега ҳамон оқ ювиб, оқ тараб ўстирган фарзандларини ўзгалар қўлига ишониб топшириб юбораётган ота-оналар учраб турибди? Ахир одам савдоси билан шуғулланаётганлар ўз қурбонларининг оёқ-қўлларини боғлаб олиб кетмаяпти-ку? Бу иллат қурбонларининг фожеасини кўриб ҳам, эшитиб ҳам кўзи очилмаётган айрим ота-оналарнинг лоқайдлигини қандай изоҳлаш мумкин?

**Б.ҚОРАЕВ,**
**Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.**
**О.ЭРГАШЕВА,**
**журналист**

**Ҳозирги пайтда бутун дунёда катта муаммога айланган одам савдосига қарши кураш ва унинг олдини олишга мамлакатимизда долзарб масала сифатида қаралмоқда. Бизда бу иллатни таг-томири билан йўқотиш учун етарли ҳуқуқий база яратилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан самарали чора-тадбирлар кўрилмоқда. Одам савдосининг хунук оқибатлари ҳақида аҳоли ўртасида кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, бу мудҳиш жиноятнинг қурбонига айланиб қолаётганлар, афсуски, ҳамон учраб турибди.**



# БИРОВНИНГ ҲАҚИ...

Касби туманидаги Майманоқ қишлоғидан бир гуруҳ кишилар Россия Федерациясининг Красноярск ўлкасига ишлаш учун боришиб, тўрт-беш ой меҳнат қилганларидан сўнг алданганликларини билиб қолишади ва телефон орқали бу ҳақда ўз яқинларини хабардор қилишади. Жабрланганларнинг яқинлари томонидан ИИБга ёзма равишда қилинган мурожаатдан сўнг олиб борилган текширувлар давомида уларни ўз ҳамқишлоқлари Аброржон Мавлонов иш топиб бераман, дея алдаб ўзга мамлакатга олиб кетганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, 28 ёшли бу йигит 2006 йилда Россияга бориб, у ерда 4,5 йил ишлаб келган. У билан отаси Норкул Рўзиев ҳам бирга бўлган. Лекин у ўзи Красноярскда қолиб, ўғлини қишлоғига юборади ва ишлашни хоҳловчилар бўлса, бирга олиб келишни тайинлайди. Ота-болага асли самарқандлик бўлиб, ҳозирги пайтда Россия фуқаролигини қабул қилган Неъмат Отақулов деган шахс "раҳнамолик" қилади.

Олдиндан тузилган жиноий режага кўра, Аброржон қишлоғига келгач, Россия томонларда ишлаб мўмай пул топиш мумкинлиги ҳақида оғзини тўлдириб гапира бошлайди ва тез кунда атрофига одам тўплайди. Ишга борувчилар поездда Красноярск ўлкасига йўл олишади. Майманоқлик А.Тўхтаев, У.Ҳайдаров, И.Султонов, Ж.Арзиев, К.Бозоров, Ж.Тошев, М.Тошев, А.Султонов, Ш.Мўминов, Б.Файзуллаев, Н.Хўжаниёзов, А.Маматовлар шу тариқа ўз ихтиёрлари билан ёт ўлкаларга келиб қолишади. Уларни Красноярскда Норқул Рўзиев ва Неъмат Отақулов кутиб олишади. Келганлардан уч кишини Н.Рўзиев ўзи турадиган жойда олиб қолиб, бошқаларини бировларникига ижарага жойлаштиради. Кўпчилиги деярли қаровсиз ётган совуқ дачада қийналиб яшашади.

Н.Рўзиев ва Н.Отақуловлар келганларнинг паспортларини олиб, ишга расмийлаштиришгач, сўнг яна қайтариб беришади. Уларни катта концерт зали қурилишида ишлатишади. Бу ерда 38 кун совуқ ишларини бажаришгач, прораб Неъмат Отақулов уларни иш жойига қўймай, бу ерга кириш мумкин эмаслигини, чуқурдан номаълум рус кишисининг жасади топилгани учун текшириш кетаётганини айтади. Иш ҳақларини сўрашганида "Иш ҳақингизни Норқулга берганман" дейди. У эса "Неъмат берган 28 минг рублни сизларга озиқ-овқат учун сарфлаганман" деб важ кўрсатади. Ваҳоланки, ишловчиларнинг ҳар бирига ойига 20 минг рублдан иш ҳақи беришга келишилган эди.

Ишчилар Неъматдан ранжиб, Норқул Рўзиевнинг ёрдамида энди "АГАТ"деган фирмага ишга ёлланишади. Бу ерда ҳам бир ой ишлаб, иш ҳақи олишолмайди. Самбил Сергеевичдан иш ҳақингизни бир тийинигача олиб бераман, деб ишонтирган Н.Рўзиев ҳам уларни алдаб юборади.

Ишга ёлланганларнинг бошқалари ҳам турли жойларда оғир шароитларда меҳнат қилсалар-да, лекин иш ҳақларини тўлик ололмай, сарсон-саргардонликда бу тарафларга келганликларига минг бор пушаймон бўлишади.

Яхшиямки, бизда инсон манфаатлари қонун томонидан қўриқланади ва уни бузганлар, албатта жазоланади. Юқорида номлари санаб ўтилган майманоқлик фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳам қонунан ҳимоя қилинди. Жабрланганларнинг яқинлари томонидан берилган ёзма ариза асосида олиб борилган тергов ва суд жараёнида Мавлонов Аброржон Норқуловичнинг бошқалар билан олдиндан жиноий тил бириктириб қилган одам савдосига оид айби тўлиқ исботланди ва ЖИБ Касби тумани судининг 2009 йил 30 мартдаги ҳукмига кўра, у ЖКнинг 135-моддаси 2-қисми "б, е, з" бандлари билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Жабрланувчиларга етказилган моддий зарар судланувчи томонидан тўлиқ қопланиб, бартараф этилганлиги қайд қилинди.

"Ўзганинг ҳақи-балонинг ўқи" деб шуни айтадилар-да.

**Анвар ЖЎРАЕВ,**
**Касби туман прокурори**

# АЁЛ МАКРИ

**Турмуш ўртоғи "бас қил, шаҳарма-шаҳар изғиб юришни" деса ҳам Соҳиба ўз билганидан қолмади. Бир-икки марта ҳатто Қозоғистонга ҳам бориб келди. Шундан сўнг эри пулга ҳирс қўйган аёлнинг жавобини берди. Улар ажралишди.**

Қозоғистонда танишган дугонаси — Жамилахон қўлига телефон қилиб, учта одам олиб келинг, эрим сизни "хурсанд" қилади, — деди.

— Қанақа ишда ишлашади? — ўсмоқчилаб сўради Соҳиба.

— Иш кўп, — мужмал жавоб қилди у.

— Қанчадан олишади?

— Ойига уч юз мингта гаплашаверинг.

Ўттиз олти яшар аёл ҳамқишлоқларини бирма-бир хаёлидан ўтказди. "Бегоналар кейин кун беришмайди. Бошингда ёнғоқ чақишади. Қариндошларни авраганинг маъқул. Юз-хотир, андиша қилиб, дардларини ичларига ютиб юраверишади". Шу ўй билан у хаёлан қариндошларини "мўлжал"ига олиб қўйди.

Аммасининг турмуш ўртоғи билан жияни бекорчи. Қурилишларда ишлаб кун кўришади. Уч юз минг сўм ойликка жон деб кўнишади.

Янглишмаган экан, аммасининг хўжайини яна битта ҳамқишлоғини йўлга солди. Ўтган йил апрель ойида Соҳиба Қудратова уларни Қозоғистонга олиб бориб, Жамилахонга рўпара қилди.

— Ойига уч юз минг сўмдан иш ҳақи оласизлар, — деди у. — Ҳар ойда Соҳибахон келиб иш ҳақларингни олиб кетиб, оилаларингга етказиб туради.

Учовлон унинг шартига кўниб, паспортларини топшириб қўйишди. Ўзларининг қўлларига кишан уришди. Жамиланинг турмуш ўртоғи Одил уларни одам ўрнида кўрмай, тонг саҳардан қоронғу тушгунгача қул каби ишлатди. Етти ой ишлаганларидан кейин қайтаётиб йўлкирага пул сўрашди.

— Ҳамма иш ҳақларингни Соҳибага тўлаб қўйганман, — деди Одил. Жамилахон ҳам шу гапни айтди. Соҳиба эса ҳатто телефон қўнғироқларига ҳам жавоб бермади.

Уйга қайтиш, пул топиш учун улар бир қозоқ фермернинг 5 гектарлик даласидаги маккажўхорини ўриб беришди. Ундан 100 минг сўм иш ҳақи олишди. Шу тариқа йўлкира қилиб, бир амаллаб Яккатутга қайтиб келишди.

Соҳиба оилаларига бир сўм ҳам келтириб бермаган эди. Ундан иш ҳақларини тўлашни талаб қилишди.

— Жамилаям, Одил ҳам бекор гапни айтди. Менга бир тийин ҳам беришгани йўқ, — деди маккора аёл.

Икки аёлнинг макрига учиб, иш ҳақларини ундира олмагач, улар туман ИИБ га мурожаат этишди.

С.Қудратова айбини бўйнига олмади. Қариндошлари Н.Аҳмедов ва Ғ.Ширинов, ҳамқишлоғи З.Тўраевнинг ўзлари иш топиб беришни сўрашгани учун Қозоғистонга бошлаб борганмиш.

— Уларни танишим Жамилахон билан учраштириб қўйиб изимга қайтдим. Нима иш қилишади, қанчадан иш ҳақи олишади, ўзлари келишиб олишган. Бунинг менга дахли йўқ.

— Соҳиба опа ва Жамила опа билан юзма-юз гаплашганмиз, — деди айбланувчининг жияни Ғ.Ширинов. — Жамила опа ҳар ойда Соҳибахон келиб уч юз минг сўмдан ойликларингни уйларингга обориб бериб туради, деган.

Икки нафар жабрланувчилар ҳам унинг гапини тасдиқлашди. Ҳамқишлоқларини хорижга бошлаб бориб сотиб юборган, одам савдоси жиноятини содир этган С.Қудратовага суд тегишли жазо тайинлади. Ундан жабрланувчиларга иш ҳақларини ундириб беришни лозим деб топди.

**Нодиржон КОМИЛОВ,**
**Бешариқ тумани прокурори**

# Фирибгарликнинг интиҳоси...

## ёхуд ўқишга киришдаги оғир йўқотишлар

Раҳим (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўзи ҳаракатчан йигит бўлганлиги боис аёлининг рўзғор ишларига ўралашиб қолишини эмас, балки ўқиб, олий маълумотли бўлишини, ҳаётда кўзлаган орзу-умидларига етишишини истарди. Маржона ҳам турмуш ўртоғининг ўзига бефарқ эмаслигини кўриб, ўз интилишлари, орзу-ҳавасларини ундан яширмасди. У мактабда ўқиб юрган кезлардаёқ турли газеталарга катта- кичик мақола ва шеърлари билан қатнашиб турар, келгусида журналист бўлишни орзу қиларди. Бироқ турмуш қуриб, фарзандли бўлганидан сўнг институтга кириш орзуси ортга сурилиб қолаверди. Шундай бўлса-да, Маржона турли мавзулардаги мақолалари билан газеталарда қатнашиб туришни канда қилмади. Унинг иқтидорини, интилишларини кўрган Раҳим Маржонани ўзи анчадан буён орзу қилиб юрган мутахассислиги бўйича ўқишга киришига қаршилик қилмади, аксинча қўлидан келганича унга ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Хотинининг уйда ўтириб қолишига ўзини айбдор деб билар, "агар Маржона мактабни битириши биланоқ тўй қилмаганимизда, эҳтимол у ҳам бошқа тенгдошлари сингари ҳозир олий ўқув юртида таҳсил олаётган бўлармиди?" деган фикр ич-этини ерди. Ҳамма нарсанинг вақти-соати бўлади деганларидек, кунлардан бирида Раҳим ишдан қайтгач, Маржонага:

— Қизимиз ҳам бу йил икки ёшга тўлади, уни болалар боғчасига жойлаб, ўзинг олийгоҳга ҳаракат қилсанг бўлармиди, — деди.

— Билмасам, кира олармиканман? Мактабни тамомлаганимга ҳам уч йил бўлган бўлса, дарсликларнинг барчасини қайтадан кўриб чиқишга тўғри келади. Вақт эса оз, — деди Маржона хаёлга чўмиб.

— Астойдил ҳаракат қилсанг, удалайсан. Тенгдошларингга қара, келаси йили олийгоҳни тамомлашади! Рўзғор ташвишларига унчалик куюнаверма, мен ҳам қараб турмайман...

Орзусига етишиш умидидан аллақачон қўл силтаган Маржона бу гаплардан сўнг яна имкониятларини синаб кўришга астойдил киришди.

Керакли ҳужжатларни тўплагандан кейин Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига ҳужжат топширди. Ижодий имтиҳонлар ўтгач, давлат имтиҳони топшириладиган кун ҳам етиб келди. Аудиториядаги абитуриентлар тест синовларини ечиш билан овора, фақатгина Маржонанинг ёнида ўтирган йигитгина бундан мустасно эди. У ўзини гўё театрда ўтиргандек тутар, бошқаларни томоша қилиш билан овора эди. Маржона тест саволларига керакли жавобларни белгилаб бўлганлиги боис кузатувчидан кетиши учун рухсат сўради. У имтиҳон соати тугагандан сўнггина аудиториядан чиқиш мумкинлигини айтди.

— Намунча шошмасангиз, бундан ҳам ортиқ ёниб турган ишингиз борми? — деб гап ташлади ёнида ўтирган нотаниш йигит.

— Ҳа, жудаям шошаяпман. Икки ёшли қизчамни қўшнимга ташлаб келгандим. Лекин вақтдан илгари чиқаришмас экан...

— Ҳали турмушга чиққанмисиз? Мен сизни келин деб ўйламагандим... Ўлай агар ўхшамайсиз... Очиғи, тилла тақинчоқларнинг фарқига бормаганлигим учун қўлингиздаги узукка ҳам эътибор қилмабман. Лекин поччамга қойил, кўпчилик эркаклар аёлининг ўқиши ёки ишлашига қаршилик қилишади.

— Турмуш ўртоғим ундайлардан эмас. Эрта оила қуриб, олийгоҳда ўқий олмаганим учун ҳам улар мени ўзим севган соҳам бўйича таълим олишимга қаршилик билдирмаяптилар.

— Яхши ният яхши албатта, аммо ўқишга кира олмасангиз-чи?

— У ҳолда билмадим, — деди Маржона елкасини қисиб. Шу ондаёқ Маржонанинг кўнглида ўзига нисбатан ишончсизлик ҳисси уйғонди.

— Агар харажатидан қочмасангиз, бу ерда ишлайдиган яқин оқахонларим орқали сизга ёрдам қилишим мумкин. Мабодо ўқишга кира олмасангиз менга хабар қилинг, — деди йигит.

Маржонанинг кўнгли ёришгандек бўлди. Қолаверса, турмуш ўртоғининг ҳам уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани, ўзида бўлмаса-да, таниш-билишлардан қарз олиб бўлса ҳам унинг ўқишга киришига ҳаракат қилаётгани боис нотаниш йигитнинг кутилмаган таклифини рад этолмади.

Шундан сўнг улар телефон рақамлари билан алмашишди. Йигитнинг қўл телефони рақами тагига Фарҳод деб ёзилган эди.

— Мен эртага Бухорога дўстимнинг тўйига кетишим керак, эҳтимол, мандат куни ҳам етиб кела олмасман...

— И-е, сиз ҳам Бухороданмисиз? — деди Маржона худди ҳамюртини учратгандай..

— Ҳа, Қоракўлданман, сиз ҳам ўша ерликмисиз?

— Йўқ, мен асли тошкентликман, турмуш ўртоғим Бухоронинг Ғиждувонидан. Сизни у киши билан таништириб қўяман.

— Ҳозирча керакмас, ҳар ҳолда эркак киши нотўғри тушуниши мумкин.

Ўша куни Маржона уйига кўтаринки кайфиятда кириб келди, имтиҳон чоғида Фарҳод билан бўлиб ўтган суҳбатни эрига айтгиси келдию, аммо Фарҳоднинг "эркак киши нотўғри тушуниши мумкин", деган сўзларини эслаб, фикридан қайтди. Лекин Маржона Фарҳоднинг бу суҳбатдан кўнглига туккан шум ниятидан бехабар эди.

Фарҳод бир вақтнинг ўзида бир ўқ билан иккита қуённи урмоқчи - ҳам пул ундириш, ҳам Маржона билан яқин бўлиб олишни кўзлаб қўйганди. Бу мақсадга эришишда у ҳеч нарсадан тап тортмас, ҳаттоки Маржонанинг оилали эканлиги ҳам кўзига кўринмасди.

Орадан кунлар ўтиб, ҳаш-паш дегунча мандат куни ҳам етиб келди. Лекин... Лекин не кўз билан кўрсинки, Маржона тест синовида етарли балл йиға олмаганди. Мандатдан ҳафсаласи пир бўлиб, тушкунликка тушган кўйи қаерга кетаётганлигини ҳам билмаган ҳолда анча вақт юрди. Лекин катта тезликда келаётган автомашинанинг сигналидан ҳуши ўзига келди. Шунда у "яхшиямки автомашиналарга сигнал чиқарган, бўлмаса, нарига дунёга равона бўлиш ҳеч гап эмас" деб ўзича пичирлаб қўйди ва унинг миясида бирданига Фарҳоднинг ваъдаси чарх ура бошлади. У тезлик билан қўл телефонини сумкасидан олиб, Фарҳоднинг рақамини излашга тушиб кетди. Ниҳоят, рақамни терди. Қўнғироқ кетидан қўнғироқ кетаверди, аммо гўшакнинг нариги томонидан "ҳа" деган овоз келавермаганидан Маржона яна асабийлаша бошлади. Ҳафсаласи пир бўлиб энди гўшакни қўймоқчи бўлди ҳамки, гўшакдан "ким бу" деган овоз эшитилди.

— Бу мен, Маржонаман.

— Э, ҳа сизмидингиз? Ишлар қалай?

— Э-э-э, чатоқ...

- Нега чатоқ бўларкан? У ердаги рўйхатда бўлмасангиз ҳам асосий рўйхатда борсиз, суюнчисини тайёрлайверинг, қолганига парво қилманг. Мен сизга кирасиз деб айтдимми, албатта кирасиз, — деб катта гапирди Фарҳод.

Бироқ, Маржона бунга унча эътибор қилмади. Чунки унга ҳозирги ҳолатда ўқишга киргансиз деган гапнинг ўзи етарли эди.

— Хафа бўлманг, мани гапим гап, октябрь ойида очиладиган қўшимча гуруҳларга, албатта, киритиб қўяман. Фақат ўшанда айтилган нарсани вақтида олиб келсангиз бўлгани. Чунки бу гуруҳга талабгорлар керагидан ҳам кўп. Бир ҳафталарда Тошкентга бораман, қолганини ўша ерда юзма-юз гаплашиб оламиз.

— Мен аввал хўжайинимга айтиб кўрай, пулни берадиган улар-ку...

— Фақат бу ишнинг бошида мен турганимни айтманг, ўтган сафар ҳам айтган эдим, кўнгилларига ёмон нарсалар келиб, "ўқимайсан" деб туриб олмасинлар. Бирор дугонангизми ёки ўша ерда дарс берадиган биронта муаллима орқали қилинади, деганингиз маъқул, шунда ортиқча муаммо бўлмайди, — деди Фарҳод.

Бу кун Фарҳод учун қўшалоқ байрам бўлди, бир тарафдан уч йилдан буён ўқишга кира олмай юрган кунларининг аламлари тугаган бўлса, иккинчи тарафдан Маржонанинг имтиҳондан "йиқилиши" эди. Яратганнинг ўзи "ол қулим" дея уни сийлаётган бир пайтда бундай имкониятни қўлдан бой бериш унинг учун ғирт аҳмоқлик эди.

Маржона бўлиб ўтган воқеалар ҳақида турмуш ўртоғи Раҳимга айтиб берди, лекин Фарҳоднинг исмини тилга олмади.

— Майли, октябрь келсин-чи, бир гап бўлар. Ишқилиб, кирита олса бўлгани, пулни ҳам бир амаллармиз, — деди Раҳим бироз хаёлга чўмиб. У ўша пайтда қайси танишидан қанча миқдорда қарз олиш мумкинлиги ҳақида ўйларди.

Ҳаш-паш дегунча октябрь ойи ҳам яқинлашиб қолди. Бу орада Фарҳод турли ҳийла-найранглари билан Маржонага анча яқин бўлиб улгурганди. У Маржонанинг деярли барча газеталарда таниши борлигидан хабар топиб, мақолаларини чиқаришда ёрдам беришини илтимос қилганди. Фарҳоднинг ёзган мақолаларини таҳрир қилавериб чарчаб кетган Маржона эндиликда ўзи ёзган мақолаларининг остига Фарҳоднинг исм-шарифини қўйиб таҳририятга топширадиган бўлди. Маржона Фарҳод кўрсатадиган "ҳимматидан" хурсанд бўлиб, уни ўз укасидек кўрар ва қўлидан келганича ундан ёрдамини аямасди.

Ва ниҳоят, интиқиб кутилган октябрь ойи ҳам келди. Ойнинг иккинчи ҳафтасида Фарҳод Маржонага қўнғироқ қилиб, зудлик билан бир кун ичида икки минг АҚШ доллари тайёрлаб қўйишини, акс ҳолда кеч бўлишини айтди. Бу ҳақда Маржона эрига айтди. Раҳим ўша куниёқ танишларидан қарз ҳавола қилиб, айтилган пулни олиб келди. Маржона эртаси куни Фарҳод билан учрашиш учун Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига келди ва айтилган пулларни ҳеч қандай гувоҳларсиз ва тилхатсиз Фарҳодга топширди. Негаки, Маржонанинг ўқишга киришга бўлган орзусига етишиш ишончи туфайли Фарҳодни ўз укасидек кўрадиган бўлиб қолганди.



Ишнинг бу даражада осон битишига кўзи етмаган Фарҳод дастлаб бироз довдирагандек бўлиб, нима қиларини билмай каловланиб қолди, бироздан сўнг эса бу пулларни ҳозироқ керакли одамларга беришини, икки-уч кун ичида Маржона ҳам факультетга бориб қўшимча очилган гуруҳларга қабул қилишлари учун ректор номига ариза ёзиб келиши кераклигини айтди. Бу орада Маржонанинг онаси - Муқаддас опага ҳам қўнғироқ қилиб, уни ҳам тинчлантириб қўйишни унутмади. У Муқаддас опа билан ҳам танишиб олган, ўқиш ҳақидаги янгиликларини Маржонага айтиш керак бўлиб қолганда у кўпинча Муқаддас опадан фойдаланар, Маржонанинг уйига қўнғироқ қилишдан чўчишини, турмуш ўртоғи гўшакни олиб қолса, нотўғри хаёлларга бориб юрмаслиги учун шундай қилаётганини бот-бот такрорлаш ҳам эсидан чиқмасди...

Ҳаш-паш дегунча ноябрь, унинг ортидан эса декабрь ҳам кириб келди. Бироқ Маржонанинг ўқишга кирганлиги ҳақидаги хабардан ҳамон дарак йўқ эди. Бу орада Раҳимнинг қарз берган танишлари пулларини олиш учун қисталанг қила бошладилар. Қарзини қайтариш учун эса у кеча-ю кундуз тиним билмай ишларди...

Янги йил кириб келишига саноқли кунлар қолганда Муқаддас опанинг тоқати тоқ бўлди ва Фарҳодга қўнғироқ қилиб, пулларни қайтариб беришини айтди. Фарҳод эса яна бироз сабр қилишларини сўраб, декабрнинг охирига, албатта, ижобий натижа бўлишига аёлни ишонтирди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Фарҳоднинг ўзи Муқаддас опага қўнғироқ қилди ва Маржонанинг ўқиши ҳал бўлганлигини, энди шартноманинг ярим пули - 350.000 сўмни тайёрлаб қўйишларини, шу ойнинг охирига қадар тўлаш зарурлигини, талабалик гувоҳномасини эса шахсан ўзи Муқаддас опага топширмоқчилигини айтди. Муқаддас опа Маржонанинг уйига меҳмонга кетаётганини айтди. Улар Маржона истиқомат қиладиган Сирғали туманидаги бекатларнинг бирида учрашишга келишишди.

Фарҳод Маржонага талабалик гувоҳномасини тутқазди, Муқаддас опа эса хурсандлигидан боши кўкка етиб, Фарҳодга қимматбаҳо совға-саломлар инъом қилди.

28 декабрь куни улар Жаҳон тиллари университети биноси ёнида ўқишнинг шартнома пулини тўлаш учун учрашишди. Лекин кассадаги қиз контракт пулини тўлаш учун аввал тўлов шартномаси берилиши, тўлов ана шу асосда бўлиши ва шу боис ҳозирги ҳолатда пулни қабул қила олмаслигини айтганидан сўнг Фарҳод уяли телефонидан кимгадир қўнғироқ қилди. Бироз гаплашгач, гўшакни Маржонага берди.

— Мен шу факультетнинг декани бўламан, — деди нотаниш киши. - Фарҳоддан ўқишга кирганлигингиз ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериб юбориш ёдимдан кўтарилибди. Пешиндан кейин ўша ерга иш билан ўтишим керак, истасангиз шартнома пулини Фарҳодга бериб ўзингиз уйингизга кетаверинг. Пулни ўзимиз тўлаб квитанциясини сизга бериб юбораман. Мени тўғри тушунинг синглим, совуқда қийналиб юрманг дейман-да, — деди "декан" Маржонага меҳрибонлик билан. Содда аёл иккинчи маротаба ҳам ўз қўллари билан уч юз эллик минг сўм пулни Фарҳодга бериб юборди.

Фарҳод ўша куни ҳам, эртасига ҳам Маржонага шартнома пули тўланганлиги ҳақидаги квитанцияни олиб келмади. Қўл телефонини эса ўчириб қўйди...

Янги йил куни фарзандидан қимматбаҳо совға-саломлар олаётган Шаҳло опа ва Фарҳоднинг яқинлари аслида бу туҳфалар бировнинг пешона териси эвазига топилиб, ўғли томонидан ўзлаштириб олинган пуллар шарафига келганлигини билишмасди...

Байрам билан табриклаш учун Муқаддас опага қўнғироқ қилган Фарҳод шошилинч Бухорога кетиши зарур бўлиб қолганлигини, шартнома пули аллақачон тўланганлиги, бундан ҳечам хавотир олмасликларини, бир ҳафта ичида Тошкентга қайтиши билан квитанцияни Маржонага элтиб беришини, 13 январдан бошлаб эса Маржона ҳам ҳақиқий талаба сифатида дарсга бораверишии мумкинлигини айтиб онани тинчлантирди.

2007 йил билан хайрлашиб, кириб келган 2008 йилни яхши ниятлар ила кутиб олган Маржона олдинда ҳали уни қандай синовлар кутаётганидан бехабар, Фарҳод эса янги йилда янги-янги режалар ҳақида ўйлар, Маржонани қандай йўл билан бўлса-да ўзиники қилиш режаларини тузиш билан овора эди...

У ўзи айтганидек, январь ойининг бошларида Бухородан қайтиб келди. Бироқ квитанция уйида қолиб кетганини, муҳими бу эмаслигини, ахир, Маржонани шахсан деканнинг ўзи ўқишга киритганини, бу ёғидан хавотирланмаса ҳам бўлишини айтиб яна бир бор узр сўради.

13 январь куни эрталабдан телефон орқали Маржонани йўқлаган Фарҳод унга декан қўнғироқ қилганлигини, қўшимча гуруҳга кирган талабаларнинг ҳужжатларини ўрганиш мақсадида факультетга текширувчилар келаётганлигини, ушбу гуруҳдаги талабаларнинг ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ўзлари билан юзма-юз суҳбат ўтказишларини, имтиҳондан кам балл олган талабаларни сафдан чиқаришлари мумкинлигини, шу туфайли улар кетганлардан кейингина дарсга келишини айтди. Дарсга бораман деб тонг саҳардан йўлга отланаётган Маржонанинг ҳафсаласи пир бўлиб, онасидан маслаҳат олгани қўнғироқ қилди.

— Нима десанг дегин-у, лекин бу йигитнинг ҳаракатлари менга ёқмаяпти. Текширувчилар келса нима қилибди?

**(Давоми келгуси сонда).**

**М.МАДАМИНОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман суди судьяси**

# КОРРУПЦИЯ — ЖАМИЯТНИ ЕМИРУВЧИ ИЛЛАТ

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш сари йўналтирилган ислоҳотларимизга жиддий хавф туғдираётган коррупциявий жиноятларнинг олдини олиш давлат ва жамият олдидаги энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Халқнинг давлат аппарати органлари ва ҳуқуқ-тартибот органларига ишончи тушиб кетишига сабаб бўлувчи мазкур ҳодисанинг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот соҳаларида ҳам юз бераётганлиги ташвишланарли ҳолдир. Коррупцияга қарши жиддий ва кескин кураш олиб бориш зарурлигини вазият тақозо этмоқда. Қайси бир соҳада ривожланиш, тараққиёт рўй бермаётган экан, демак ўша жойда коррупция "болаламоқда".

Президентимиз И. А. Каримов "Йўлимиз мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли" асарида: "Жиноятнинг ёпиқ ва энг қабиҳ тури бор. Бу коррупция ва порахўрликдир. Жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод қилиши мумкин",деб таъкидлаган эди.

Ҳозирги даврда муайян мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳолатни у ёки бу маънода баҳолайдиган ҳеч бир ҳужжат йўққи, унда коррупция ҳақида гапирилмаган бўлса. Лекин "коррупция" тушунчасининг ўзи қонуний таърифга эга эмас ва жуда кўп маънода ишлатилади.

Этимологик жиҳатдан "коррупция" термини лотинча "corruptio" сўзидан олинган бўлиб, "бузиш", "пул эвазига оғдириб олиш, сотиб олиш" деган маъноларни англатади. Юқоридаги икки сўз коррупция тушунчасига таъриф беради. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1978 йил 17 декабрда қабул қилинган "Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга қаратилган хулқ-атвори, ҳаракати" Кодексида айтилишича: "Коррупция тушунчаси миллий қонунчиликда янада аниқлаштирилиши лозим бўлишига қарамай, шуни инобатга олиш керакки, бу тушунча ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилиши давомида талаб қилинаётган ёки олинган совғалар, ваъдалар ёки бошқа нарсаларни ноқонуний олиш натижасида мансабдор шахсларга юклатилган мажбуриятларни амалга оширишда ёки шу мажбуриятлар сабабли у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш ёки амалга оширмасликни ўз ичига олади".

Коррупцияни бундай тушуниш замонавий криминологияда ҳам мавжуд. Масалан, А. И. Долгова коррупцияни "давлат хизматчиларининг "сотилиши" билан характерланадиган ижтимоий ҳодиса" сифатида таърифлаб, "буларнинг асосида улар томонидан ўзларига берилган хизмат ваколатлари ва имкониятларидан шахсий ёки маълум бир гуруҳ ёки корпоратив манфаатлар йўлида фойдаланишидир" деб айтиб ўтган. Бошқа бир машҳур криминолог олима Кузнецова Н. Ф. коррупциянинг мазмунини "бир шахс томонидан бошқа шахсни пул эвазига ўзига оғдириш, "сотиб олишдир" деб таърифлайди"

Лекин, бизнингча, коррупцияни ижтимоий ҳодиса сифатида бунақа тор маънода тушуниш, яъни фақатгина "сотилиш" ёки порахўрлик билангина боғлаш нотўғри бўлса керак. Бунинг тасдиғи сифатида, Бейли Д.нинг бу борадаги фикрини кўрсатиш мумкин: "Коррупция ҳокимиятни суиистеъмол қилишдир, яъни ундан шахсий мақсадларда фойдаланишдир ва булар барча ҳолларда ҳам моддий кўринишда бўлавермайди".

Коррупцияга қисқача ва аниқ таъриф БМТнинг "Коррупцияга халқаро қарши кураш" ҳақидаги маълумотнома ҳужжатида берилган, яъни: "Коррупция шахсий мақсадларда фойда олиш учун давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилишдир". Худди шундай фикрни Нидерландия адлия вазири 1994 йилда Мальтада бўлиб ўтган Европа вазирларининг конференциясида:"Коррупция ҳокимиятни суиистеъмол қилишдир ёки, янада аниқроғи, қарор қабул қилиш жараёнида виждонсиз ҳаракатлар қилмоқликдир".

Г.К.Мишиннинг фикрига кўра: "Коррупция ижтимоий бошқарув соҳасидаги ҳодиса бўлиб, у бошқарув субъектларининг ўзига берилган ҳокимият ваколатларидан индивидуал мақсадларда фойдаланиш йўли билан суиистеъмол қилишда намоён бўлади".




Коррупция бошқарув субъекти томонидан шахсий манфаатлари юзасидан хизмат манфаатларига хилоф равишда ўзининг ҳокимият ваколатларидан фойдаланишидир. Ижтимоий ҳодиса сифатида коррупция амалдорларнинг ғаразли мақсадларда ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланишига асосланган бошқарув аппаратининг бўлиниб кетишидир.

Коррупцияга ёрқин ва ўзига хос таърифни А. И. Кирпичников беради, яъни: "Коррупция ҳокимиятнинг коррозиясидир. Занг темирни қандай кемирса, коррупция ҳам давлат аппаратини худди шундай бузади, жамиятнинг хулқ-атвор қоидаларини кемиради. Коррупциянинг даражаси жамиятнинг ўзига хос "термометри"дир, яъни унинг ахлоқий ҳолатини ва давлат аппаратининг жамият манфаатлари йўлида муаммоларни ечиш қобилиятининг кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади".

Тарихий-ҳуқуқий тадқиқотлар шуни исботлаб берадики, коррупция жамиятда бошқарув аппарати пайдо бўлгандан бери мавжуд бўлган. Шарль Монтескье шундай ёзган: "Асрлар тажрибасидан маълумки, ҳокимиятга эга бўлган ҳар қандай одамда уни суиистеъмол қилишга майл бўлади ва у ушбу йўналишда ўзига белгилаб олган чегарага етмагунга қадар ҳаракатланишни давом эттиради".

Аммо турли даврларда турли давлатларда коррупциянинг кўлами бир хилда бўлмаган. Қоида тариқасида ривожланаётган мамлакатларда коррупция даражаси юқорироқ бўлади, бироқ ривожланган бозор иқтисодига эришган мамлакатларда ҳам бу ҳодиса кенг тарқалган "ёмонлик" бўлиб ҳисобланади. Халқаро майдонда ва миллий даражада бизнесдаги коррупцияга қарши курашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ташкилотлардан бири бўлмиш "Трансперенси Интернешнл" ("Халқаро ошкоралик") халқаро жамоат ташкилоти 1994 йил май ойидаги бюллетенида таъкидладики, коррупция феномени борган сари глобал характер касб этмоқда. У кўпчилик ривожланган индустриал давлатларда одатий ҳолга айланиб бўлган.

1992 йили Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган "Тоза қўллар" операцияси натижасида 700дан ортиқ бизнесменлар ва сиёсий арбоблар одил суд олдида жавоб бердилар. 1996 йил сентябрда Германия Федератив Республикаси пойтахти - Берлин шаҳрида ўтказилган коррупцияга қарши кураш муаммоларига бағишланган конференцияда Германия Федератив Республикасининг бир қатор йирик шаҳарларида кузатилган кўплаб коррупцияни тергов қилиш ҳолатлари ҳақида маълумотлар берилган. Шу жумладан: Франкфурт-Майн шаҳрида-1000дан ортиқ, Мюнхенда-600, Гамбургда-400га яқин, Берлинда эса 200га яқин. Бундан ташқари мамлакатда 1995 йилда 3000дан ортиқ порахўрлик ҳоллари расмий қайд этилган. Коррупцияга жалб этилган давлат органлари қаторида чет эл қочоқларини текшириш бўйича бошқармалар, янги автомобилларни рўйхатга олиш пунктлари ва бошқа бир қатор муассасаларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Давлатда қурилиш саноати коррупция "касалига" энг қаттиқ чалинган соҳа бўлиб ҳисобланар экан.

Коррупциянинг ижтимоий хавфи ниҳоятда юқори даражада деб баҳоланади. Халқаро ҳамкорлик ҳужжатларида шу нарса таъкидланадики, коррупция иқтисодиётга катта зиён етказади, барча турдаги ҳукумат қарорлари ва режалари самарадорлигининг сусайишига олиб келади, жамиятда ахлоқ-одоб ҳолатига зиён етказади, фуқароларнинг ҳукуматга бўлган ишончини пасайтиради, ҳокимиятнинг обрўсини туширади ва умуман адолат принципларини бузади. Коррупция туфайли поралар эвазига "керакли" шартномалар имзолаб берилади, "керакли" экспертизалар ўтказилади, "зарур бўлган" солиқ имтиёзлари олинади, "бегона" фирмаларнинг давлат буюртмаларидаги иштироки қийинлашади ва ҳоказо.

Шу ўринда бир қизиқ маълумот: америкалик профессор В. М. Райсмен поранинг уч асосий ва кенг тарқалган турларини ажратади:

1) хизмат пораси - давлат хизматчиларининг "керакли" мансаб ваколатларини амалга оширишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадидаги тўлов;

2) тўхтатиб турувчи ёки тўсиқ бўлувчи пора - у ёки бу ишда қўлланилиши лозим бўлган норманинг ҳаракатини тўхтатиб туриш мақсадидаги тўлов;

3) тўғридан-тўғри сотиб олиш, оғдириб олиш - яъни, хизматни эмас, балки хизматчининг ўзини сотиб олиш, уни ўзига оғдириб олиш.

Коррупция борган сари давлатлараро характер олмоқда. БМТнинг жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишга бағишланган Саккизинчи (1990 йил, Гавана) ва Тўққизинчи (1995 йил, Қоҳира) конгрессларида коррупцияга қарши курашнинг амалий чора-тадбирлари ва стратегияси муҳокама қилинди. Жумладан, БМТ 8-конгрессининг "Коррупция давлат бошқаруви соҳасида" номли резолюциясида, давлат маъмуриятидаги коррупция муаммоси умумий характерда эканлиги ҳамда БМТга аъзо давлатларга коррупциянинг олдини олиш ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг олдини олишга ёрдам берадиган маъмурий ва тартибга солувчи механизмларни ишлаб чиқиш тавсия қилинди.

Ижтимоий ҳодиса сифатида коррупция турли коррупцион қилмишларни содир этишда намоён бўлади, улардан бир қисми жиноий ҳаракат деб тан олинади ва таъқиб қилинади. Коррупциявий жиноятчилик — расман бошқарувга жалб этилган ва уларга берилган имкониятлардан шахсий фойда олиш мақсадида ноқонуний равишда турли усулларда фойдаланадиган шахсларнинг жиноятчилигидир.

Давлат ва муниципал хизмат тизимидаги коррупциядан ташқари, коррупция яна хусусий секторда, касаба уюшмаларида, сиёсий партияларда, шунингдек шоу-бизнес ва спорт оламида ҳам мавжуддир. Шунинг учун ҳам коррупцияга қарши кураш жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор.

Шу ўринда коррупция ҳодисасининг оқибатлари ҳақида тўхталиб ўтиш даркор:

1) Жамиятнинг маънавий асосларига путур етказади, давлат ҳокимиятини халқ олдида обрўсизлантириб, ишончни сўндиради;

2) Ўсиб келаётган ёш авлод онгини заҳарлайди. Ҳаёт қаллоблигу ғирромликдан иборат экан, деган фикрни вужудга келтиради. Уларнинг турли оқимларга қўшилиб кетишига сабаб бўлади;

3) Мамлакатнинг иқтисодий негизларига болта уради. Хорижий сармоядорларни ташвишга солади;

4) Халқаро ҳамжамиятда давлат тўғрисида салбий тасаввурни юзага келтиради.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, коррупция инсониятга қарши таҳдид солувчи ҳодисалардандир. У давлатга, жамиятга ва инсонга бирдек зарар етказади. Мақсадимиз коррупцияга қарши курашиш экан, бунинг учун оммавий тарзда бир ёқадан бош чиқариб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида унга қарши курашиш йўлларини ишлаб чиқиш, умумдавлат миқёсида энг таъсирчан қонуний чораларни кўриш лозим. Унга қарши курашишнинг мукаммаллиги шундаки, коррупция нафақат криминологик, шу билан бирга сиёсий, иктисодий, ижтимоий кўринишларга эга.

Коррупцияга қарши кураш йўлида миллий маънавиятимиз, асрлар оша бизга етиб келган адолат, ҳақиқат тўғрисидаги фазилатларни тараннум этувчи, ўз шахсий манфаатларига нисбатан жамият манфаатларини устун қўйишга ўргатувчи қадриятлардан фойдаланиш ҳам ижобий натижалар бериши, шубҳасиз.

**Беҳзод АЛИХОНОВ,**
**Тошкент транспорт прокуратураси иш ўрганувчиси**

## «Aktiv Broker» ДК биржа савдоларига таклиф этади:

**2009 йил 17 августда «Республика кўчмас мулк биржаси» АЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, объектлари (улуш, мол-мулклари) рўйхати**

| № | Мулкнинг номи | Баланс сақловчининг номи ва манзили | Манзил | Давлат активининг қисқача тавсифи | Мулкнинг бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «Ёрдамчи хўжалик» бино ва иншоотлари | «Сарбон» ОАЖ, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар қишлоғи | Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Муйинкум қишлоғи | Бино 1982 йилда ишга туширилган, эгаллаб турган ер майдони 5,001 га. Объект 2 та молхонадан иборат, Объект ҳудудида ТП 160/10 трансформатор, бассейн, сув сақлашга мўлжалланган башня мавжуд. Бино пойдевори бетондан, деворлари ғиштдан, поллари бетондан, бостирмаси металдан ишланган, шифер билан қопланган. | 141 518 500 |

**Қўшимча маълумотлар ва саволлар учун "Aktiv Broker" ДК мурожаат қилишингиз мумкин.**

**Тел.:** 233-27-19, 233-38-69,
**Эл.манзил:** aktiv_broker@mail.ru, www.gki.uz,
**Манзил:** Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй.

***Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!***

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси жамоаси Департаментнинг Бухоро шаҳар бўлими бошлиғи Олим Ҳикматовга волидаи муҳтарамаси

**ФАЗОЛАТ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ГАЗЕТАНИНГ КЕЛГУСИ СОНИ 2009 ЙИЛ 30 ИЮЛЬ КУНИ ЧОП ЭТИЛАДИ.**

## ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

**Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар қўрғонида жойлашган «Сарбон» ОАЖга қарашли 2-сонли ошхона биносини сотиш бўйича оммавий оферта (сотиш ҳақида тўғридан-тўғри музокаралар) ўтказилишини маълум қилади**

**Объектнинг техник характеристикаси:** *«Сарбон» ОАЖ кириш қисмида жойлашган ижтимоий соҳа объекти бўлиб. 1- қаватдан иборат, 1990 йилда қурилган. Бинонинг майдони 391 кв.м. баландлиги 5,9 м., фундамент темир бетон, деворлари ғиштдан, электр коммуникацияси мавжуд.*

**Оммавий офертанинг шарти:**

| | |
|---|---|
| Объектнинг бошланғич нархи | 75 245 минг сўм |
| Инвестиция мажбурияти | "Объект"да тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва янги иш ўринларни ташкил этиш.<br>1 йил муддат ичида энг юқори миқдорда инвестиция киритиш;<br>киритиладиган инвестициялар пул, асбоб ускуналар ва бошқа кўринишда 1 йил муддат ичида киритилади. |
| Музокаралар ўтказишнинг санаси, вақти ва жойи | 2009 йил 17 август соат 11.00да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасида, манзил : Тошкент ш, Ўзбекистон шох кўчаси, 55-уй. Телефон: 259-22-27, 259-22-48, 259-21-18, факс: 259-21-18, www.gki.uz, e-meil: ves@gki.uz |
| Олди-сотди шартномасини тузиш шарти | Савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида тузиладиган олди-сотди шартномани имзолаш |
| Таклифларнинг охирги қабул қилиш муддати | 2009 йил 17 август куни соат 10.00 гача |
| Офертада иштирок этиш учун таклифларни топшириш тартиби ва лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати | **Таклифга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати:**<br>- юридик шахслар учун - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;<br>- жисмоний шахслар учун - паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;<br>- ўз ичига таклиф этилган сотиб олиш қиймати, унинг тўлаш муддатлари, таклиф этиладиган инвестиция миқдори, унинг киритилиш мақсади, муддати ва шартлари кўрсатилган, муҳрланган, конвертга солинган (2 нусхада) инвестиция таклифи (акцепт).<br>**Ҳужжатларнинг ҳар бир варағи талабгорнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим!**<br>**Таклифларни қабул қилиш муддати ўтганидан сўнг олиб келинган таклиф қабул қилинмайди!** |

## УПРАВЛЕНИЕ ГОСКОМИМУЩЕСТВА ПО ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

**извещает о проведении 17 августа 2009 г. в 11.00 публичной оферты (прямых переговоров) по реализации Здания столовой №2 АО "Сарбон", расположенного по адресу: Ташкентская область, Бекабадский район, пос. Зафар**

**Техническая характеристика объекта:** *Объект социнфраструктуры расположен на территории АО «Сарбон» и представляет собой одноэтажное здание, год постройки - 1990 г. Площадь здания 391 кв м, высота 5,9 м. Фундамент железобетонный, стены кирпичные, полы цементные - мозаичные. Из коммуникаций имеется электроосвещение.*

**Условия проведения оферты:**

| | |
|---|---|
| Стартовая цена объекта | 75 245 тыс сум |
| Инвестиционные обязательства | Максимальное предложение, достаточное для организации на базе объекта предпринимательской деятельности.<br>Инвестиционные обязательства вносятся в виде денежных средств, технологического оборудования и др. в срок до 1 года. |
| Дата, время и место проведения переговоров | в управлении Госкомимущества по Ташкентской области, расположенном по адресу: 100003, г.Ташкент, пр. Узбекистанский 55.<br>Телефоны: 259-22-27, 259-22-48, 259-21-18, факс: 259-21-18, www.gki.uz. |
| Условия заключения договора купли-продажи | Договор купли-продажи заключается не позднее 20 дней со дня проведения торга и подписания протокола о результатах проведения торгов |
| Окончательные сроки приема предложений | 17 августа 2009 г. до 10.00 |
| Порядок подачи предложений и перечень документов, предоставляемых участниками | Предложения претендентов в запечатанных конвертах (2 экземпляра)<br>Документы:, прилагаемые к предложениям:<br>- Для юридических лиц - копия свидетельства о гос.регистарции, доверенность полномочного представителя, оформленная в установленном законодательством порядке, с приложением копии документа, удостоверяющего личность;<br>- Для физических лиц - копия паспорта, при участии полномочного представителя также доверенность, оформленная в установленном законодательством порядке, с приложением копии документа, удостоверяющего личность;<br>- Инвестиционные предложения (акцепт) в запечатанных конвертах (2 экземпляра), включающие в себя предлагаемую сумму выкупных платежей и сроки их внесения, предлагаемую сумму инвестиционных обязательств, формы, срок и и условия их внесения;<br>**Все листы документов должны быть заверены печатью и подписью претендента!**<br>**Документы, поступившие после истечения срока приема, не принимаются.!** |

### I. "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Фарғона вилоят филиалининг 2009 йил 17 август соат 10.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги очиқ аукцион савдосига автотранспорт воситалари қўйилади:

**1.** Фарғона вилояти, Олтиарық тумани, Ўзбекистон кўчаси, 3-уйда жойлашган туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли 1997 йилда и/ч кўк рангли **"Тико"**, давлат белгиси 15 АВ 306, двигател рақами 568010, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси 4 187 386 сўм.***

**2.** Марғилон шаҳри, Шифокорлар кўчаси, 20-уйда жойлашган Марғилон тиббиёт коллежига қарашли 1994 йилда и/ч хакки ранг **"УАЗ-3962"**, давлат рақами 15 АА 279, двигател рақами 119912, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси 1 634 098 сўм.***

**Аукцион савдолари** Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43-уйда жойлашган Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биносининг 1-қават 48-хонасида бўлиб ўтади. Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган мулкнинг такрорий аукцион савдолари 2009 йил 24, 29 август кунлари соат 10.00 да ўтказилади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун** "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Фарғона вилоят филиалининг "Халқ банки" Фарғона вилоят амалиёт бўлимидаги МФО:00497, ИНН:206761326, 20210000004537599011 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:**

150100, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43-уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси, 1-қават 48-50 хона, Тел/факс (8 373) 229-70-20 Email: info@mulk.uz

### II. «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Андижон вилоят филиали 2009 йил 18 август соат 14.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

**1.** Андижон шаҳри, А.Юлдашев кўчаси, 48-уйда жойлашган вилоят божхона бошқармасига қарашли 1993 йилда и/ч ранги сариқ **"Доган"**, давлат рақами 17 АВ 823, двигатель рақами 698400, техник носоз.

**Бошланғич баҳоси 1 040 172 сўм.**

Андижон шаҳри, Университет кўчаси 129-уйда жойлашган Андижон Давлат Университетига қарашли:

**2.** 1999 йилда и/ч ранги оқ **"Нексия"**, давлат рақами 17 AD 034, двигатель рақами 753661В, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси 4 545 112 сўм.***

**3.** 1998 йилда и/ч ранги оқ **"Дамас"**, давлат рақами 17 АА 587, двигатель рақами 63071, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси 3 587 607 сўм.***

**4.** 1996 йилда и/ч ранги оқ **"Дамас"**, давлат рақами 17 АА 596, двигатель рақами 328788, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси 3 259 675 сўм.***

**5.** Пахтаобод тумани, Шомат кўчаси, 52-уйда жойлашган туман ДСЭНМ қарашли 1987 йилда и/ч ранги сариқ **"ВАЗ-2106"**, давлат рақами 17 AF 713, двигатель рақами 0464641, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси 1 784 935 сўм.***

**6.** Андижон шаҳри, Киров кўчаси, 53-уйда жойлашган Пахтаобод тумани ДСЭНМ қарашли 1990 йилда и/ч **"УАЗ-3152"**, давлат рақами 17 АС 479, двигатель рақами 01108395, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси 362 353 сўм.***

**7.** Қўрғонтепа шаҳри, Муқимий кўчаси 100-уйда жойлашган ОАТБ "Ғалла банк" Қўрғонтепа филиали балансидаги 2003 йилда и/ч ранги оқ **"Нексия DOHC"**, давлат рақами 17 AG 303, двигатель рақами A15MF418092, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси 4 206 465 сўм.***

Андижон шаҳри, Бобур шох кўчаси, 39-уйда жойлашган Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти балансидаги:

**8.** 1982 йилда и/ч ранги сариқ **"ГАЗ-53"** юк бортли, давлат рақами 17 АК 415, шасси рақами 0658016, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси 581 161 сўм.***

**9.** 1977 йилда и/ч ранги сариқ **"ГАЗ-5204"**, давлат рақами 17 АК 518, двигатель рақами О14320, техник носоз.

***Бошланғич баҳоси 504 097 сўм.***

**Аукцион савдоси** Андижон шаҳри, Навоий шох кўчаси, 30-уйда ДМҚ Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси, 104-хонасида бўлиб ўтади. Ушбу кундаги савдода сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2009 йил 3, 15, 29 сентябрь, кейингилари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари сотилгунга қадар соат 14.00 да ўтказилади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун** "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида "Respublika Mulk-Auksioni" Андижон вилоят филиалининг ТИФ "Миллий банк" Андижон вилоят бўлимидаги 20210000404537599003, МФО 00074, СТИР 206761326 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлаган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3(уч) соат олдин тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:**

170100, Андижон шаҳри, Навоий шох кўчаси, 30-уй, 104-хона. Тел/факс:(8 374) 298-04-01 Email: info@mulk.uz

**Аукцион савдосида қатнашишни истаган шахслар қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари шарт:**
**Белгиланган шаклдаги талабнома. Закалат тўғрисида келишув.**
**Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда. Жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда. Закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати асл нусхаси.**

***Ўтказилган Аукцион савдоси ғолиблари савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан давлат активи олди-сотди шартномасини имзолаши керак.***

Huquq yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati: Yusupboy G`OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar •• belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Nashr ko'rsatkichi – 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma Г —655. 16 062 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: G`.ALIMOV
Navbatchi: O'.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta «Sharq» NMAK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 22.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9